O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 18 (124)-сон, 2006 йил 04 май | www.21asr.com



**3 СПОРТ** Ўз фарзандлари ҳақида қайғурган миллатнинг келажаги буюкдир

**4 ИСЛОҲОТ** Тошкент вилоятида чорвадорлар иттифоқи тузилди

**9 ХАЛҚАРО ҲАЁТ** Радик Сикорский Шимолий Европа газ қувури қурилиши режасидан норози




# Маҳаллам — Ватан ичра Ватаним

**Бутун мамлакатимиз бўйлаб катта сиёсий тадбирга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ, жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.**

Сайловнинг халқимиз ҳаётида тутадиган ўрни беҳноя катта, албатта. У ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича мазмун-моҳият бағишлайди, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада жадаллаштиради, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришда, ваколатларини кенгайтиришда яна бир муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Ана шу ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этадилар. Бу эса ўзини ўзи бошқаришнинг — демократиянинг яққол кўринишидир.

Бу галги сайлов "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"-ги ҳамда аввалги сайловдан кейин, яъни 2004 йил апрель ойида қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар моддаларига риоя этилган ҳолда ўтказилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайловни муҳим сиёсий тадбир сифатида, очиқ-ошкора руҳда, демократик тамойиллар асосида ўтказиш зарурати ана шу қонун талабларидан келиб чиқади.

Ҳокимият органларига ўтказиладиган сайловлардаги каби фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, кейинги яна икки ярим йил мобайнида маҳалла тақдири учун масъул бўладиган ўзини ўзи бошқариш органини ихтиёрий ва онгли равишда шакллантириши учун зарур шароит яратиб бериш жуда муҳимдир.

Маҳалладаги сайловларни фаоллик ва уюшқоқлик билан, ташкилий жиҳатдан пухта, демократик тамойиллар асосида ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларда комиссиялар тузилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан маҳалла фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари зинҳор камситилмаслиги, ошкоралик, муқобиллик, холислик ва тенглик тамойиллари бузилмаслиги даркор.

Бўлажак сайловлар жараёнида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг маҳаллалардаги бошланғич ташкилотлари айниқса фаоллик кўрсатишлари лозим бўлади. Улар сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг қонун талабларига мувофиқ ўтишини қатъий назорат остига олишга даъват этилган. Негаки, жамиятни демократия тамойиллари асосида янгилаш ва эркинлаштириш O`zLiDeP Дастуридан келиб чиқадиган ғоя ва мақсадларга ҳамоҳангдир.

Ҳеч шубҳа йўққи, бўлажак сайлов жамиятни ислоҳ қилиш, мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиришда ўзига хос босқич бўлиб қолади.

***Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари сайлови арафасида O'zLiDeP фаоллари томонидан сайловчилар билан 70 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 18 та, Андижон вилоятида 12 та, Жиззах вилоятида 4 та, Навоий вилоятида 21 та, Наманган вилоятида 4 та, Самарқанд вилоятида 12 та, Тошкент вилоятида 23 та, Фарғона вилоятида 5 та ва Сурхондарё вилоятида 8 та ана шундай учрашув бўлиб ўтди.***

***Баъзи маҳаллаларда 120 ва ундан ортиқ фуқаролар қатнашган бўлса, республика бўйича ўтказилган тадбирларда жами*** **10 мингдан** ***зиёд фуқаро иштирок этди.***

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2–3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлди.**

Покистон заминида минг йиллар мобайнида турли цивилизациялар алмашиб келган. Эрамиздан бир неча асрлар аввал Хараппа цивилизацияси ҳукм сурган бу юртда ҳозир ҳам орий, юнон, араб, турк ва инглиз саркардаларининг изларини топиш мумкин. Бу заминга Искандар, Чандрагупта, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Мирзо Бобурнинг оёғи теккан.

**Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Исломобод-Тошкент

Покистонликлар табиатида шарқона мушоҳада яққол сезилиб туради. Бу мушоҳада замирида шарқона вазминлик бор. Ана шу вазминлик орқали мушоҳада донишмандликка айланади. Исломобод Осиёдаги, айрим маълумотларга кўра, дунёдаги энг катта масжидга — Шоҳ Фейсал масжидига эга бўлгани ҳолда, ҳалиҳануз кенгайишга ошиқмаётгани, аввалги Бошкент Карачидек теварак-атрофни ўзига сингдириб юбормаётгани ҳам ўзига хос вазминлик белгисидир.

Буларнинг барчаси Покистон баайни Ўзбекистон сингари ғоят бой тарихга эга эканлигидан, халқларимиз чуқур тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланганидан далолат беради. Мисол тариқасида Мирзо Бобур мероси халқларимизнинг умумий мулки саналишини айтиш мумкин. Айни кунларда аждодларимиз давридаги маданий қадриятларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни ўрганиш юзасидан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилаётгани дунё халқаро муносабатлар тизимидаги ноёб ҳамкорлик алоқаларидан бири эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи тарихий муштараклик асосига қурилган икки томонлама муносабатларни ҳозирги давр руҳи ва талаблари даражасида ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан ўтказилган яккама-якка суҳбат ва икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган тартибдаги музокара ўзаро муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Исломобод мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда Покистон раҳбарияти бу мамлакатда 2005 йил 8 октябрда бўлган зилзиладан кейин Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни жуда қадрлайди. Ўзбекистоннинг бундай елкадошлигига миннатдорлик ташриф асносида Президентлар имзолаган қўшма баёнотда ҳам ўз аксини топган.

Шу омилларни инобатга олиб, Ўзбекистон билан Покистон ўртасида мустаҳкам ишонч ва самимий ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хил эканлиги сафар асносида бир неча бор қайд этилди.

Президентлар хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу мавзу бевосита Афғонистондаги вазиятга бориб тақалиши равшан. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро террорчилар икки мамлакатга ҳам узоқни кўзловчи мақсадлар билан ҳужумлар уюштирган. Ислом Каримов айтганидек, ҳар қандай тараққиёт замирида тинчлик ва барқарорлик ётади. Афғонистонда хавфсизлик муаммоси ҳал этилмас экан, у ерда давлатчиликни тиклаш, халқ хўжалигини оёққа турғазиш, инфратузилмани ривожлантириш қийин кечади. Афғонистондаги беқарорлик эса Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатларидан иборат макроминтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро нуқтаи назарни мувофиқлаштириб боришга келишиб олдилар. Жумладан, БМТни ислоҳ қилиш масалаларида баҳамжиҳат иш кўриш ҳамда минтақавий ва халқаро миқёсдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга қодир бўлган ШҲТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар маъқулланди.

Музокараларда минтақавий транспорт-коммуникация лойиҳаларини ижро этиш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга келишиб олинди.

Сир эмаски, Покистоннинг Карачи ва Гвадар бандаргоҳлари Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари маҳсулотларини дунё бозорларига чиқариш учун яхши восита бўлади. Шу билан бирга, Покистондан Марказий Осиёга савдо йўлини ривожлантириш ҳам минтақалараро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

*Давоми 2-саҳифада.*

## Узоқ ва яқин хорижда

**Россия**

### ҚОРА ДЕНГИЗДАГИ ФАЛОКАТ




**Сочи яқинидаги Қора денгиз акваториясида «Арманистон ҳаво йўллари» компаниясининг А-320 самолёти ҳалокатга учраган жойда 18 йўловчининг жасади топилди, деб хабар беради «Эхо Москвы» радиостанцияси. Шунингдек, ҳалокат рўй берган жойдан самолётнинг фюзеляжи парчалари, жасад бўлаклари ва йўловчиларнинг юклари ҳам топилган.**

**Эслатиб ўтамиз: 3 майга ўтар кечаси Ереван-Сочи йўналиши бўйича учиб бораётган А-320 самолёти ҳалокатга учраган эди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари Адлер аэропорти ҳудудида қирғоқ белгисидан 6 километр нарида лайнернинг парчаларини топишди. Аниқланган маълумотларга қараганда, самолёт бортида 113 нафар одам бўлган. Уларнинг 6 таси бола ва 8 таси экипаж аъзоси эди.**

**Грузия**

### МДҲдан ЧИҚИШ ТАРАДДУДИ



**Яқин вақт ичида Грузия МДҲни яна тарк этиши мумкин. Куни кеча мамлакат президенти Михаил Саакашвили республика ҳукуматига Грузиянинг МДҲ таркибида бўлиши иқтисодий жиҳатдан қанчалик мақсадга мувофиқлиги ҳақида иложи борича тезроқ маъруза тайёрлашни топширди.**

**«Биз бугунги кунда МДҲ таркибида қолишимиз шарт ёки шарт эмаслигини ҳисоб-китоб қилиб чиқишимиз зарур. Агар Грузия Ҳамдўстликда бўлишда камситилишдан бўлак ҳеч қандай наф кўрмаса, у ҳолда парламент ва халқ тегишли қарор қабул қилишлари лозим», - деди Саакашвили. Парламент спикери Нино Бурджанадзе ҳам ана шундай фикрдадир. Унинг айтишига қараганда, МДҲ доирасида Россия ва Грузия ўртасида тузилган битимлар бажарилмай, қоғозда қолиб кетмоқда. Жумладан, Грузияга нисбатан виза тартиби аллақачон жорий этилган, ваҳоланки, Грузия бундай қарорга тамоман қарши бўлган эди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 2 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 926,44 | 1 Миср фунти | 212,38 | 1 Польша злотийси | 398,02 | 10Жанубий Корея вони | 12,94 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2027,84 | 1 Исландия кронаси | 16,48 | 1 СДР | 1794,88 | 10 Япония иенаси | 107,84 |
| 1 Дания кронаси | 206,62 | 1 Канада доллари | 1092,82 | 1 Туркия лираси | 923,29 | 1 Россия рубли | 44,74 |
| 1 БАА дирхами | 332,22 | 1 Хитой юани | 152,30 | 1 Швейцария франки | 985,09 | 1 Украина гривнаси | 241,61 |
| 1 АҚШ доллари | 1220,13 | 1 Малайзия ринггити | 336,63 | 1 ЕВРО | 1540,41 | | |

ТАШРИФ

# Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик



Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий муносабатларига келсак, 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортди, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошди. Аммо Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги савдо ҳажми ҳали имкониятлар даражасида эмас.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес-форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш учун банклараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Энергетика манбалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетик хавфсизлик масаласи кундан-кун долзарблик касб этиб бораётган ҳозирги даврда бу йўналишдаги алоқалар Ўзбекистон ва Покистонга муқаррар фойда келтиради.

Музокараларда Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини назарда тутиб, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашувлар ниҳоясида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро терроручиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида протокол, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан "Хабиб банк лимитед" ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, кўплаб халқаро муаммоларга Ўзбекистон ва Покистоннинг муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

— Музокаралар очиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтди, самарали кечди, — деди Ислом Каримов. — Ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этдик ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Ғатор халқаро масалаларда қарашларимиз яқин ва ўхшаш, айниқса, хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳамфикрмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Покистоннинг терроручиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф терроручиликка қарши кураш янги тактикани тақозо этаётганини, бу борада баҳамжиҳат ҳаракат қилингандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бу алоҳида бир давлатнинг иши эмас, — деди Покистон Президенти. — Хавфсизлик органлари яқин ҳамкорликда ишлаши, ахборот алмашиши лозим. Аввало, терроручиликнинг молиявий манбаларига барҳам бериш зарур.

Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлаган Парвез Мушарраф ҳамжиҳатлик асосида турли масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорлар ишлаб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон-Покистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Томонлар фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сармоявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси (парламентнинг қуйи палатаси) раиси Чаудри Амин Ҳусайнни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш давлатлараро муносабатларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Чаудри Амин Ҳусайн мамлакатимиз раҳбарини ташрифнинг самарали натижалари билан қутлаб, Покистон Миллий ассамблеяси Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг федерал сув хўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида сув-энергетика мажмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссиянинг фаолият кўламини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. У шуниси билан аҳамиятлики, ҳозиргача 26 ҳужжат билан тартибга солиб келинган ўзаро муносабатлар эндиликда янги суръат билан ривожланади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, эришилган сиёсий келишувлар давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлайди. Иқтисодий битимлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини бойитади. Бир сўз билан айтганда, бу ташриф Ўзбекистон ва Покистонни бир-бирига янада яқинлаштирди.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

# Дахлдорлик ҳисси билан яшайлик

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан давлатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига асосан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.**

**Ўз мухбиримиз**

Унга мувофиқ жойларда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирокида мамлакатимизга қарши қаратилган ғоявий-ахборот хуружларининг моҳиятини атрофлича очиб бериш ҳамда юртдошларимиз, аввало, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни мафкурамизга ёт таъсирлардан муҳофаза этишга қаратилган туркум тадбирлар ўтказилмоқда. Куни кеча O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро қўмитаси раиси М.М. Тешабоев "13-Олтинкўл" сайлов округи ҳудудидаги маҳаллалар, ўқув юртларида бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашди. 45, 52-ихтисослашган мактаб-интернатлар ва 6-ўрта мактабдаги учрашувларда депутат ўз сайловчиларига Қонунчилик палатаси фаолияти, шунингдек, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишлар, уларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнидаги иштироки ҳақида батафсил ахборот берди.

— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси давлат ва жамият тизимини янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун масъул сиёсий куч сифатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солаверади, — деди у ўз сўзида. — Мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш учун эса, аввало, юртимиз тинч ва осойишта бўлмоғи керак. Аммо нисбатан қисқа бир даврда эришган ютуқларимизни кўролмаётган, турли қўпорувчилик ҳаракатларини уюштириб, халқимизни бунёдкорлик йўлидан чалғитишга уринаётган қора ниятли кучлар ҳам йўқ эмас. Шу боис биз ҳамиша ҳушёр бўлишимиз, танлаган йўлимиздан оғишмай, олға ҳаракат қилишимиз керак.

Партия етакчиси мулоқотлар чоғида жаҳонда ва минтақамизда кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан аҳолида, айниқса, ёшларимизда онгли муносабатни, юртга дахлдорлик ҳиссини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, глобаллашув шароитида мустақиллик, тинчлик ва барқарорликни асраш, "демократия экспорти"-га қарши курашиш, Андижон воқеалари атрофидаги бўҳтон ва уйдирмалар ортида турган кучларнинг асл ниятлари нималардан иборат эканлигига атрофлича тўхталиб ўтди.

Андижон шаҳридаги иқтисодиёт коллежида "Эгали юрт эркини бермас" мавзуида ўтказилган тадбирда ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси жамиятимизда ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини ўз зиммасига олишини эълон қилган сиёсий куч сифатида маҳалла тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш жараёнида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кучайтиришга интилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиздаги мавжуд 10 мингдан ортиқ маҳалла тузилмаларининг салмоқли қисмида партиянинг бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда. O`zLiDeP айни пайтда бошланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ошкоралик ва тенгҳуқуқлилик асосида ҳамда амалдаги қонунлар доирасида ташкил этилишидан манфаатдордир.

Шу боис, Андижонда ўтказилган мулоқотларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга доир Ўзбекистон қонунчилиги, бўлажак сайловларнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, тамойиллари, уларда партия тузилмаларининг иштироки юзасидан ҳам атрофлича маълумот берилди.

М.М. Тешабоев сайловчилари томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

"Кучли давлатдан — кучли жамият сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли ниҳоятда салмоқлидир. Чунки аҳоли манфаатлари, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда халқ томонидан сайланган қуйи бошқарув тизимининг кўп йиллик тажрибаси бор.

# Биринчи оқсоқол — O`zLiDeP аъзоси

**Феруза ЭГАМОВА**

Шу боис мамлакатимизда май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига қизғин ҳозирлик кўрилди.

Куни кеча Яккасарой туманидаги Бобур номли маҳаллада оқсоқоллар сайловининг дастлабкиси бўлиб ўтди. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг 92 нафар ваколатли аъзоси мазкур маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатиб келган Шермат Одилов ва унинг ўринбосари вазифасида ишлаётган Рустамали Ҳайдаров номзодларига овоз беришди.

O`zLiDeP аъзоси Шермат Одилов 51,11 фоиз овоз билан ғолиб деб топилди. Сайловнинг нечоғли кескин ўтганлигини ушбу рақам ҳам исботлаб турибди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган 2,5 йиллик фаолияти мобайнида Шермат Одилов раислигидаги мазкур маҳалла фуқаролар йиғини томонидан бир қатор намунали ишлар олиб борилди. Барча масалаларда ошкоралик, ижтимоий адолатга таяниб иш кўрганлиги боис ҳам маҳалла аҳли томонидан оқсоқолга яна бир карра катта ишонч билдирилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этдилар.

*Эълон*

## Азиз ёшлар!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти" томонидан ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келаётган "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси учун республика кўрик-танловининг 2006 йил босқичи бошланаётганини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ўтказилади:
— биринчи босқич (шаҳар ва туман) 10 майдан 10 июнга қадар;
— иккинчи босқич (вилоят) 15 июндан 15 июлга қадар;
— учинчи босқич (республика) 20 июлдан 30 августгача.

Танловда иштирок этинг ва ўз омадингизни синаб кўринг.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Ёшлар қаноти"

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

**Хоразм.** Партия дастурида инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимининг ривожи учун курашиш, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, пенсионерлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг ўрин берилган. Аслида кишиларга меҳр-саховат улашиш, ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилати саналади. O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Хонқа туман кенгаши депутати Б.Аллабергенов - шундай хислатли инсонлардан бири. Тумандаги ногирон ва кекса қариялар ҳолидан хабар олиб, кам таъминланган ва ёш болали оилаларга ўз шахсий маблағи ҳисобидан моддий ва маънавий ёрдам бериш унинг одатига айланган. Жумладан, Навхос қишлоғи аҳолиси талабини ҳисобга олиб, кўчаларга асфальт ётқизиш ишларига бош-қош бўлди. Ўз шахсий ҳисобидан эса қишлоқ фуқаролар йиғинига, тумандаги Маҳтумқули номидаги 2-ўрта мактабга биттадан компьютер совға қилди.

**Фарғона.** O`zLiDeP ҳудудий кенгашлари томонидан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Партия вилоят кенгаши "Камолот" ЁИҲ вилоят бўлими, халқ таълими бошқармаси, олий ўқув юртлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда "Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди" шиори остида Фарғона давлат университетининг талабалар ётоқхонасида учрашув ўтказди. Тадбирда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати У.Комилов, ҳокимлик вакиллари, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва партия вилоят кенгаши фаоллари сўзга чиқиб, халқаро майдонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бу жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан фикрлар билдиришди.

**Андижон.** Мамлакатимиз аҳолисини, айниқса хотин-қизларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик хислатларини шакллантириш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Партия вилоят кенгашида мамлакатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоятда "Аёллар қаноти" гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. O"zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Аёллар қаноти" бўлими мудири Ҳ.Қўчқорова, "Ёшлар қаноти" бўлими мудири Ш.Орипов, партия вилоят кенгаши фаоллари ва бир қатор тадбиркор аёллар иштирок этган мазкур тадбирда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва сиёсий мавқеини ошириш, юртимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этишларини таъминлаш масалалари муҳокаманинг асоси бўлди.

**Сирдарё.** 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган терроручилик ҳаракатлари юзасидан тузилган вилоят ишчи гуруҳи аъзолари - сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўша машъум воқеалар ортида турган кучлар ва уларнинг қабиҳ ниятлари фош этилган таҳлилий материаллар билан таништириш мақсадида Ширин шаҳри ҳокимлиги биносида учрашув ўтказилди. O`zLiDeP вилоят кенгаши ва Ширин шаҳри ҳокимлиги ташкил этган мазкур мулоқотда сўзга чиққанлар рўй берган терроручилик ҳаракатларининг фожиали оқибатлари кўпчилигимизнинг теварак-атрофга бефарқлилигимиз, ҳушёр ва огоҳ эмаслигимиз натижасидир, дея эътироф этдилар. Таъкидландики, Андижон воқеалари барчамизга бирдек сабоқ бўлиши лозим.

**Қорақалпоғистон.** O`zLiDeP дастурида таъкидланганидек, иқтисодий имкониятлар ортиб бориши билан партия академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун стипендиялар жорий этишга ҳаракат қилади. Ана шундай эзгу ишларнинг амалий исботи сифатида мана, учинчи йилдирки, "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси бериб келинмоқда. O`zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши ва "Ёшлар қаноти" гуруҳи ташаббуси билан Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежида "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг дастлабки босқичини ўтказишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. "Ёшлар қаноти" фаоллари йиғилганларга мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти, шартлари ва талаблари ҳақида гапирдилар ҳамда ёшларни ўз илмий ва тадбиркорлик қобилиятларини намойиш этиб, "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси соҳиби бўлишга чақирдилар.

**Жиззах.** O`zLiDeP вилоят кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Ўзбек халқи ҳеч қачон қеч кимга қарам бўлмайди" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Вилоят партия кенгаши фаоллари, ФЖҲИ ходимлари, "Маҳалла" жамғармаси вакиллари ва Жиззах педагогика коллежи ўқитувчи ва талабалари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар жамиятимизни муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган манфур кимсалардан асраш, дин моҳиятини тўғри тушуниш ва тўғри тушунтириш жамиятнинг маънан соғлом аъзоси учун долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлашди.

# Фермерлик ҳаракати

## Маъмурчилик йўлидаги илк одимлар

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар режаси асосида Навоий вилоятида зарар кўриб ишлаб келган 38 та ширкат хўжалиги ўрнида 2002-2005 йилларда 2348 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ширкат хўжаликлари давридагига нисбатан уларнинг ўрнига ташкил этилган фермер хўжаликларида ҳосилдорлик пахтачиликда 5-8 центнер, ғаллачиликда 10-13 центнер ошди. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда эса 25 фоиз иқтисодий тежамкорликка эришилди.

« ФЕРМЕР–БУГУНГИ ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЪЗОСИ, ФАОЛГИНА ЭМАС, ЭНГ ИШОНЧЛИ АЪЗОСИ ».

Ислом КАРИМОВ



■ Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги қарорига асосан вилоятдаги яна 14 та паст рентабелли ширкат хўжалиги тугатилиб, улар ўрнида 946 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Шундай қилиб, бугунги кунда фермер хўжаликлари сони 5673 тага етди. Уларга 150000 гектар ер ажратиб берилди, жами майдоннинг қарийб 80 фоизи суғориладиган ерлардир. Фермер хўжаликлари билан бир пайтда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма шохобчалари ҳам ривожланаяпти. Ҳозиргача фаолият кўрсатиб келган кичик банклар, минерал ўғитлар тарқатиш шохобчалари, ёнилғи билан таъминлаш нуқталари, СФУлар, муқобил МТПлар, зооветеринария хизмати кўрсатиш ҳамда ахборот-консалтинг шохобчалари тармоғи тобора кенгаймоқда.

Вилоятда кейинги уч йил ичида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий кучга айланди. 2002 йилда фермерларнинг ҳиссаси пахтачиликда 28,4 фоизни, ғаллачиликда 36,3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич пахтачиликда 60 фоизга, ғаллачиликда эса 78 фоизга тўғри келди. 2599 та фермер хўжалиги 27440 гектар майдондан 79240 тонна пахта топшириб, шартномавий режани 106 фоиз этиб уддалади. Олинган даромад ҳар гектар ер ҳисобига 832,8 минг сўмни ташкил этди ва жами 22852,2 миллион сўм бўлди. Ғаллачиликка ихтисослашган 3048 та фермер хўжалиги томонидан 129829 тонна дон етиштирилиб, шундан 55060 тоннаси давлатга сотилди. Шартнома режаси ошириб бажарилди. Навбаҳор туманидаги “Янгиер”, “Меҳнат”, Кармана туманидаги “Намозбобо”, Қизилтепа туманидаги “Валиобод”, “Азамат-Комил”, Конимех туманидаги “Олимжон” ва “Учқун-Норқул” сингари фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ер ҳисобига 40-45 центнерни ташкил этди. Навбаҳорлик Ё.Аҳмедов, Б.Муқимов, карманалик У.Каримов, қизилтепалик Р.Валиева, С.Жумаев, хатирчилик О.Ҳалимов, Т.Тўхтаев каби фермерлар эса ғалла ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига ўртача 50-65 центнерга етказишди. Шунингдек, фермер хўжаликлари сабзавот, картошка, полиз, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум, қоракўл тери, жун ва пилла етиштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг шартномаларни бажаришдаги масъулияти оширилганлиги, жойларда инфратузилма шохобчалари ташкил этилганлиги туфайли фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамияти бўлинмалари билан фермер хўжаликлари ўртасида минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилиб, бажарилиши таъминланаяпти. “Навоий нефть маҳсулотлари” унитар корхонаси томонидан йил давомида агротехнологик карталарга асосан деҳқончилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликларига 9770 тонна дизель ёнилғиси етказиб берилди. Бундан ташқари, Товар-хомашё биржаси орқали фермерларга 2123 тонна автобензин сотилди. Биржа томонидан чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари 2675 тонна шрот ва 1417 тонна шелуха билан таъминланди.

Фермер хўжаликларини лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш борасидаги имтиёзлардан унумли фойдаланаётган фермерлар сони тобора кўпаймоқда. Сўнгги бир йил ичида 62 та фермер хўжалиги лизинг асосида 75 та техникага эга бўлди. Бундан ташқари, вилоят “Пахтабанк”и томонидан 7 та фермер хўжалигига банк кредити ёрдамида ҳайдов ва чопиқ тракторлари олиб берилди. 5 та туманда пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига топширилган маҳсулот учун чигит ёғи, шрот ва шелухани тарқатиш мақсадида 24 та шохобча очилди.

Фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бир йил мобайнида пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига 10326,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Вилоят тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан йил давомида фермер хўжаликларини ривожлантиришга 1730 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит йўналтирилди.

— 2005 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтганди, — деди Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилоят филиали кенгаши раиси Фарҳод Тўхтаев. — Унда уюшманинг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди ва уюшманинг асосий вазифалари қилиб мамлакатимизда фермерликни ривожлантиришга доир муаммоларни ўрганиш, мавжуд камчиликларни тугатиш масалаларида давлат ҳокимият органларига мурожаат этиш, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини касбий тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар, курслар очиш каби тадбирлар белгиланди. Конференцияда режалаштирилган кенг кўламдаги ишларни бажариш учун уюшма ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳамкорликдаги ҳаракат дастури қабул қилинди. Мазкур дастур асосида фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий, касбий билимларини ошириш мақсадида Кармана қишлоқ хўжалиги коллежи ҳузуридаги бизнес-мактабда 200 нафар фермер ўз малакасини оширди. Барча туманларда фермер хўжаликлари раҳбарлари ва тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида мавжуд муаммолар ечимини топишга бағишланган семинар-учрашувлар ўтказилди.

Республика Фермер хўжаликлари уюшмаси кўмагида “Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш” мавзуида уюштирилган ўқув-семинар машғулотларига 50 нафар фермер жалб этилди. Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли “Дўстлик” агрофирмаси билан ҳамкорликда “Чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш” мавзуида ўқув-семинар ташкил этилиб, унда барча туманлардан 90 нафар фермер қатнашди. Ўқув-семинарда 10 та фермер хўжалиги наслдор қорамоллар сотиб олиш юзасидан агрофирма билан шартнома имзолади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Навоий вилоят кенгаши билан ҳамкорлигимиз ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, партия билан биргаликда Нурота, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида учрашувлар ўтказилди, мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларнинг ечими юзасидан таъклифлар тайёрланди ва тегишли ташкилотларга тақдим этилди. Партия вилоят кенгаши ёрдами билан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилоят филиали биноси масаласи ҳам ҳал этилди.

Вилоятда фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили хўжалик судларида 416 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, 220 таси қаноатлантирилди. Фермер хўжаликлари фойдасига 82 миллион сўм маблағ ундириб берилди. 17 та фермер хўжалигига “Навоий дон маҳсулотлари” корхонасидан топширилган маҳсулотлари учун 5344 миллион сўмлик маблағни ундириб олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Фермерлар вилоятдаги хайрия ва ҳомийлик тадбирларида ҳам фаол иштирок этишаяпти. 2005 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 15 миллион сўм, мактабларни таъмирлаш, ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, маҳаллалар ободончилиги ва бошқа хайрия тадбирларига 60 миллион сўм ажратилди.

Навоийлик фермерлар жорий йилда янада юксак мақсадларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилишаяпти. Энг асосийси — улар ҳозиргача амалга оширилган ишлар қишлоқ хўжалигида бошланган катта бунёдкорликнинг дебочаси эканлигини яхши англашади. Шу боис кўкламги деҳқончилик юмушлари юқори сифатли қилиб бажарилаяпти. Буларнинг барчаси навоийлик фермерлар бу йил тиклайдиган хирмонлар янада салворли бўлишидан далолатдир.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Истиқлолга эришилгандан сўнг юртимизда ёш авлоднинг жисмонан бақувват, маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатила бошланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Алоҳида жамғарма ташкил этилди. Мамлакатимизни аксарият шаҳар ва қишлоқларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Минглаб ўғил-қизларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шароит муҳайё этилаётганлиги боис нафақат мамлакат миқёсидаги беллашувлар, балки қатор халқаро турнирларда ёш спортчиларимиз юксак натижаларни қўлга кирита бошладилар.

# Оқ йўл, «кичик олимпиада»!

Эртага Қарши шаҳрида республика мактаб ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари — 2006” спорт мусобақаларининг финал босқичи тантанали равишда очилади.

■ Зумрад АБРОРОВА, Сайфулла ИКРОМОВ
«XXI asr» махсус мухбирлари

Бу йил учинчи бор ўтказилаётган бўлишига қарамай аллақачон “Кичик олимпиада” номини олган мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спортакиадасини ташкил этишдан мақсад ҳам ёшларнинг спортга бўлган қизиқиши ва меҳрини ошириш, уларнинг маданий-маърифий савияси, дунёқарашини кенгайтириш, юртимиз тарихи, миллий урф-одатлармиз, қадриятларимизни улуғлаш, уларни Ватан тараққиёти йўлидаги ягона эзгу мақсад атрофида бирлаштиришдан иборатдир.

Бугун бўлажак тантаналар иштирокчиларини кутиб олиш тараддудини кўраётган Қарши шаҳрининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Мусобақалар ўтказилиши муносабати билан шаҳар кўчалари Қаршининг 2700 йиллиги ва “Умид ниҳоллари” финал мусобақаларини акс эттирувчи паннолар, байроқлар билан безатилган. Мавжуд спорт иншоотларида ўғил-қизларимиз анъанага кўра спортнинг 12 тури бўйича беллашадилар. Ғолибларни рағбатлантириш, яъни мукофотлаш тартибида эса бирмунча янгиликлар бор. Агар аввалги баҳсларида ғолиб чиққан жамоалар “Тико” ва “Дамас” автомобиллари билан мукофотланган бўлсалар, энди мусобақаларда биринчиликни қўлга киритган вилоятларга 2 та “Нексия” ва 3 та “Дамас” автомашиналари тақдим этилади. Бундан ташқари шахсий биринчиликда олтин медалларга сазовор бўлган 202 нафар чемпионга велосипед совға қилинади.

— Мазкур мусобақаларнинг соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланган, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тантаналарига катта тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтказилаётганлигида ҳам алоҳида маъно ва мазмун мужассам, — дейди “Умид ниҳоллари”нинг оммавий, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари, Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, сенатор Муродилла Нормуродов. — Ушбу спорт анжумани ўғил-қизларимизни Ватанга садоқатли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш, ўқувчи ёшларни оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш, пировардида улар орасидан бўлажак Ўзбекистон ва жаҳон чемпионларини тайёрлаш ҳамда бугунги ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадларида ўтказилаяпти. Иштирокчиларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, дам олишларини ташкил қилиш учун етарли шарт-шароит яратилди. Спортакиаданинг тантанали очилиш маросими учун махсус байрам дастури тайёрланди. Ишонаманки, Қаршида ўз маҳоратларини намойиш этган фарзандларимиз юртимизга, истиқлолга содиқ инсонлар бўлиб вояга етадилар ва мамлакатимиз шон-шуҳратини дунёга ёядилар.

Яна бир муҳим янгилик: мусобақалар бошланиши арафасида интернет тармоғида “Умид ниҳоллари — 2006” веб сайти ташкил этилди. Қизиқувчилар ундан мусобақа шартлари, беллашувларнинг бориши, Қарши шаҳри тарихи ва бугуни ҳақида тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда, эртага Қарши шаҳридаги “Нуристон” академик лицейи, Банк коллежи спорт залларида баскетбол, “Насаф” стадиони ва Қарши давлат университети қошидаги академик лицей спорт залларида волейбол, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, “Олимпия захиралари” спорт коллежида қўл тўпи, ахборот технологиялари коллежи спорт залида эса стол тенниси бўйича, қайта реконструкция қилинган, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган «Насаф» ва «Динома» стадионларида футбол мусобақаларига старт берилади.

Биз эса мамлакатимиз спорти тарихига зарҳал харфлар билан битилажак мусобақанинг барча қатнашчиларига омад тилаймиз.

Оқ йўл, “кичик олимпиада”!

ҚЎМАҚ

# Ҳиммат

Андижон шаҳрининг Уйғуробод маҳалла фуқаролар йиғини ўрамидаги “Мажҳурий” кўчасида яшовчи Иброҳимжон Темиров яқин-яқингача “Тожметалл” акциядорлик жамиятида дурадгорлик билан шуғулланарди. Умр йўлдоши Матлубахон 2-гуруҳ ногирони.

■ Аъзамжон ҚОДИРОВ

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилидан умидимиз катта, — маслаҳат солди Матлуба опа умр йўлдошига. — Интилганга толе ёр, дейдилар. Ҳеч нарса осмондан тушмайди. Банкдан кредит олиб, мустақил иш бошласак-чи?

Хуллас, Темировлар оиласи ўзаро маслаҳатлашиб, Андижон шаҳар ҳокимиятига ёрдам сўраб мурожаат қиладиган бўлишди. Худди ўша кунларда Президентимизнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарор асосида мамлакатимизда 21600 та оилага қорамолни бепул бериш кўзда тутилган. Лекин бунинг учун ҳар бир хонадонда зарур шарт-шароит бўлиши лозим, албатта. Омадни, кутилмаган қувончни қарангки, орадан кўп ўтмай шаҳар ҳокимининг ўзи Темировлар оиласига ташриф буюриб, қорамолни икки ойлик бузоғи билан топшираркан, қуйидагиларни таъкидлади:

— Нима учун бузоқ ёки буқа эмас, айнан сигир бериляпти, деб ўйларсиз? Чунки сигир асралган хонадонда сут-қатиқ бўлади. Шу билан бирга у йил сайин насл бериб, рўзғорга барака киритади. Юртбошимиз муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётган экан, бунинг қадрига етишимиз, оилаларда туёқ сонини кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Зеро, савоб, эзгулик ҳеч қачон ерда қолмайди.

2006 йил 4 май
Пайшанба
18 (124) -сон
www.21asr.com
ASR

# ПАРТИЯ ТУРМУШИ

**КИМКИ ризқи улуғ бўлмоғини ёки номи узоқ вақт эсланмоғини истаса, атрофдагиларга саховат кўрсатмоғи лозим**

УЧРАШУВ

## Айтгин дўстим, нима қилдик Ватан учун

Давлатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш мақсадида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси алоҳида дастур ишлаб чиқди.

**Ўз мухбиримиз**

Унга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда партиянинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллаларда, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда учрашувлар, "Давра суҳбат"лари, очиқ мулоқотлар ўтказилаяпти. Уларда таниқли адабиёт ва санъат намояндалари, йирик олимлар, сиёсатшунослар, ишлаб чиқариш илғорлари, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармонларнинг иштирок этаётганлиги тадбирлар таъсирчанлигини ошириб, оммавийлигини таъминламоқда.

Ўтган ҳафтада O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан таниқли ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо иштирокида жойларда бир қатор учрашувлар ўтказилди. Айниқса, Фарғона давлат университети ва солиқ коллежи, Марғилон педагогика,



Данғара агро-саноат, Фурқат агро-иқтисодиёт коллежлари, Бешариқ туманидаги "Файзиобод" маҳалла гузари ҳамда "Қора жийда" қишлоғида ўтказилган учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Уларда элимизнинг ардоқли шоири Иқбол Мирзо ўзининг она-Ватанимиз, гўзал Фарғонанинг сўлим табиати, дилкаш ва меҳнаткаш халқига бағишланган шеърларини ўқиб берди. Учрашув қатнашчиларининг мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, азалий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз, маданият ва санъат, шеърият ҳақидаги саволларига атрофлича жавоблар қайтарди.

Йиғилганлар деярли барча учрашувларда шоирнинг халқимиз қалбидан чуқур жой олган, ватанпарварлик руҳи уфуриб турган қуйидаги мисраларни ё муаллифнинг ўзидан эшитдилар ёки ўзлари ўқиб бердилар.

*Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадурсан*
*Қачонгача кўкдан чалпак кутадурсан,*
*Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадурсан*
*Айтгин дўстим, нима қилдик Ватан учун.*

— Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, миллий истиқлол ғояларини аҳоли онгига чуқур сингдириш партиямизнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган бош вазифасидир, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ғайратжон Абдуллаев. — Шундай экан, уни амалда намоён этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз. Халқимиз таниқли шоир Иқбол Мирзонинг Фарғонада туғилиб ўсгани билан ҳақли равишда фахрланади. Унинг кўплаб шеърларини ёд билади. Шу боис, учрашувлар ниҳоятда жонли ва қизиқарли ўтди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши қарори билан тасдиқланган режага кўра, бундай оммавий тадбирлар вилоятнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

## Чорвадорлар иттифоқи тузилди

Президентимизнинг шу йил 23 мартда имзоланган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир.

**Шукурулло ПАРПИЕВ**

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан жорий йилнинг 29 апрель куни Паркент туманида ана шу мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Тошкент вилоят ҳокими М. Р. Кўччиев кириш сўзи билан очди. Кун тартибидаги масалалар бўйича республика "Маҳалла" жамғармаси раиси А. Гадойбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Эрданаевлар сўзга чиқдилар. Таъкидландики, тадбиркорлик ва чорвачиликни ривожлантириш борасида O`zLiDeP ҳамда унинг ҳудудий ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Тадбирда ниҳоятда муҳим саналаётган ана шу қарор моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, чорвачиликка хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни такомиллаштириш, ветеринария анжомлари ва дори-дармонларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, вилоятда Чорвадорлар иттифоқини тузиш ва унинг Низомини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди О. Шарипов Чорвадорлар иттифоқи раиси этиб сайланди.

Шу куни тадбир қатнашчилари Паркент туманидаги 2 сонли зооветсервис шохобчасида бўлиб, унинг фаолияти билан танишдилар.

— Бугунги ислоҳотлар жараёни олдимизга янги талабларни қўймоқда, - дея таъкидлади зооветеринария хизмати раҳбари Мирзиёд Дўстов. - Шулардан бири наслчилик ишларини такомиллаштиришдир. Чорва моллари зотини яхшилаш, улар ўртасида учрайдиган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Шу куни 8 та қорамол аукцион орқали талабгорларга сотилди. 2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 20 оилага ҳомийлар томонидан бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.





ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси Адлия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Хусусий тадбиркорлик соҳасида қонунларнинг таянч нормалари ва идоравий қонун ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари" мавзуида анжуман ўтказди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида



Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларига доир, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, солиқ солиш ва молиявий-хўжалик юритиш фаолиятини текширишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этиш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тартибини бир хиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишларини кенгайтиришга қаратилган фармон ва қарорлари Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини тубдан ўзгартиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

Бу борада 2006 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган тадбирлар натижасида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес кўлами ва ҳажми ошди. Ушбу даврда тадбиркорлик субъектларининг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,1 фоиз, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,9 фоиз, тармоқда ишлаётганлар сони 3,1 фоизга кўпайди. Сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий нормаларини белгиловчи "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Фермер хўжаликлари тўғрисида", "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қатор қонунлар қабул қилинди.

Бироқ, анжуман қатнашчиларининг фикрича, бу қонунларнинг тўғридан-тўғри таъсирини муайян даражада пасайтирадиган таянч нормалар ҳам бор. Маълумки, таянч нормалар муаммолари қонунчиликнинг барча жабҳаларида мавжуд. Аммо тадбиркорликни ривожлантириш шароитида ушбу муаммо кўпинча тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солиш, уларнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ҳамда кафолатларини амалга оширишга монелик қилади. Баҳс-мунозаралар давомида тадбиркорлар олдида турган муаммолар, чунончи, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик тизимини такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман қатнашчилари муҳокама якунларига кўра, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш, хусусий тармоқ, шунингдек, тадбиркорлик ҳаракатини самарали ривожлантириш масалаларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик соҳасидаги таянч нормаларни камайтириш бўйича тавсия ҳамда таклифларни билдирдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, қатор хусусий тармоқ корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

ТАДБИР



## Ҳомийлик — улуғлар фазилати

Ўтган ҳафтада Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги, O`zLiDeP шаҳар кенгаши, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг Тошкент вилоят бўлими биргаликда "Ҳомийлик — улуғлар фазилати" деб номланган тадбир ўтказди.

O`zLiDeP баннерлари ва шиорлари битилган плакатлар ҳамда гуллар билан байрамона безатилган "Металлург" стадионида бўлиб ўтган ушбу анжуманни O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Ш. Орипов қисқача кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳам Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Тадбир якунида ўзбек эстрадасининг таниқли хонандалари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

## Жонли мулоқотлар

аҳоли ўртасида маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширади, одамларда Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини, мустақилликни мустаҳкамлаш масъулиятини кучайтиради, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлага хизмат қилади

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ҳамда сиёсий партияларнинг масъул ходимлари ва фаоллари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

**Дилбар ШЕРМАТОВА, O`zLiDeP Сирдарё вилояти кенгашининг бўлим мудири**

Президентимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилган дастлабки учрашувда Гулистон шаҳар ҳокими, сенатор Исроил Эрбеков шаҳар аҳолиси, меҳнаткашлари ўртасидаги маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари тўғрисида маъруза қилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Фурқат Ҳотамов, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, 500 нафарга яқин партия фаоллари иштирок этди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ишлаб чиққан режага мувофиқ жойларда, айниқса, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида "Ёшларни зарарли оқимлар таъсиридан асраш муаммолари ва ечимлари", "Мустақилликни ҳимоялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз", "Андижон фожиалари: сабоқлар ва хулосалар", "Баркамол аёл — баркамол авлод" каби долзарб мавзуларда анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, маънавий ва маърифий мулоқотлар юксак уюшқоқлик руҳида ўтказилаяпти. Уларда, айниқса, мустақиллигимизга қарши қаратилган ахборот хуружларининг туб моҳияти аниқ далиллар ва исботлар мисолида фош этилаяпти. Масалан, ёшларимизда мафкуравий хуружларга муносиб қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтириш мақсадида Гулистон давлат университети, умумтаълим мактаби, лицей ва коллежларда ўқувчи ва талабалар билан билан "Эгали юрт эркини бермас", "Миллий қадриятлар, ёшлар ва демократия", шунингдек, "Аждодлар ибрати — авлодлар қудрати" мавзуларига алоҳида эътибор берилмоқда.

АНЖУМАН

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими қошида ташкил этилган "Ишбилармон ёшлар" сиёсий клубининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, жамоат ва давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган ёшлар вакиллари иштирок этдилар.

## Ишбилармон ёшлар ҳамкорлиги

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ**

Анжуманни O`zLiDeP вилоят кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Феруза Мақсадқулова очиб, анжуман иштирокчиларига клуб аъзоларининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқлари хусусида атрофлича маълумот берди. Шундан сўнг O`zLiDeP вилоят кенгашининг аёллар билан ишлаш бўлими раҳбари Гўзал Ибрагимова, Термиз давлат университети ўқитувчиси Нормамат Юсупов, ДМҚ ҳудудий бошқармасининг масъул ходими Хайрулла Холниёзов, Термиз шаҳар академик лицейи ўқувчиси Сирожиддин Бўриев ва бошқалар сўзга чиқиб, "Ишбилармон ёшлар" клуби фаолиятини янада ривожлантириш, жойларда ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ёшларнинг гиёҳвандлик, турли диний оқимларнинг салбий таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олиш учун улар билан тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, O`zLiDeP Дастури ва ғоявий мақсадларини кенг тарғиб қилишга ёшларни янада кенгроқ жалб этиш лозимлигини таъкидлашди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирда клуб етакчиси ҳамда ўринбосарлари сайланди, клубнинг иш режаси тасдиқланди. Вилоят "Ишбилармон ёшлар" сиёсий клубининг етакчиси этиб, ДМҚ вилоят ҳудудий бошқармаси масъул ходими Хайрулла Холниёзов сайланди.



ҲАР ҚАНДАЙ ҲАРАКАТНИНГ САМАРАСИ НИЯТ, СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

## Маслакдошлар жам бўлган жойда

### янги муваффақиятларга кенг йўл очилаверади

**Бугунги кунда инсон омили демократик ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланаяпти. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юртдошларимизнинг ана шу интилишларини рўёбга чиқаришнинг амалий тизимини яратиш, эскирган, бир қолипдаги фикрлаш тарзини тубдан ўзгартириш тарафдоридир.**

■ **Феруза ЭГАМОВА, «XXI asr» мухбири**

— Аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди, — дейди "Яккасаройтумангаз" O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси Алишер Пардаев. — Бу бор гап. Зеро, шиддат билан одимлаётган замон ҳар биримиздан руҳан ва маънан янгиланишни тақозо этмоқда.

Жамоада O`zLiDeP аъзоларининг ўз ўрни бор. Турли тадбирлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Билдириладиган таклифлар, фикр-мулоҳазалар асосида истиқбол режаларини белгилаб олишга одатланганмиз.

Ҳар қандай жамиятни демократлаштириш сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳамда ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, турли сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишлари, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозим. Бу эса кўп жиҳатдан партиянинг жойлардаги қуйи бўғинлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Алишер Пардаев буни чуқур ҳис этаётган партия аъзоларидан биридир. Биз ташкилот фаолияти билан танишарканмиз, ҳақиқатан ҳам етакчининг ҳур фикрли, ўз эътиқодига содиқ, жонкуяр инсон эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Алҳатта, бир киши ҳамма ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Шу боис етакчи ўз атрофига Расул Акмалов, Озода Зайниддинова, Комила Ибрагимова, Ольга Ширшова, Саодат Зупарова каби фаолларни тўплаган. Барча ташкилий тадбирларни улар билан бамаслаҳат амалга оширади.



— Ўзингиз яхши биласиз, соҳамиз анчайин мураккаб, — дейди А. Пардаев. — Газ таъминоти масаласида ҳам қийинчиликлар йўқ эмас. Демоқчиманки, биз аҳолининг тўлов қобилияти ва имкониятини тўғри баҳолаб, юксак муомала маданиятига амал қилган ҳолда иш юритишимиз лозим. Партия фаоллари ўз касбий вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга тегишли партиявий топшириқларга ҳам масъулият билан ёндашишмоқда.

O`zLiDeP Яккасарой туман кенгаши раиси ўринбосари Эргаш Атаев ҳам мазкур бошланғич ташкилот хусусида ижобий фикр билдирди:

— Очиғи, жойлардаги барча қуйи ташкилотлар ишини талаб даражасида, дея олмайман. "Яккасаройтумангаз"дан эса кўнглимиз тўқ. Ўтган икки йил мобайнида партия аъзолари сони икки баробарга ортгани ҳам ташкилот етакчисининг фикри уйғоқлиги, фаолларининг ҳаракатчанлигидан далолатдир.

Бугунги кунда ҳаёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлишда ҳикмат кўп. Ташкилот аъзолари шуни назарда тутиб, атроф маҳаллалар, корхоналар, ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришаяпти. Омманинг сиёсий фаоллигини оширишда жойларда ўтказилаётган турли тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Жумладан, Ватан ҳимоячилари куни, Ҳайит, Наврўз байрамлари арафасида уюштирилган суҳбатлар, бир пиёла чой устидаги дилтортар учрашувлар кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди.

"Яккасаройтумангаз"дан қайтаётганимизда ташкилот ҳудудида қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу нимадан далолат? Демакки, корхона жамоаси ва партия аъзолари ўз мақсадлари йўлида ҳамиша собит. Дастлабки таассуротимиз амалда, исботини топганидан мамнун бўлдик.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай партиянинг ғоявий етуклиги, аввало, бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги ва уюшқоқлиги билан белгиланади. Зеро, ҳурфикрли, тиниб-тинчимас инсонлар маслакдош бўлган жойда бошланғич ташкилот, демакки, O`zLiDePнинг мавқеи ва салоҳияти юксалиб бораверишии шубҳасиз.



Алишер ПАРДАЕВ, 1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олган. "Тошкентшаҳаргаз" ҳудудий газ таъминоти корхонасининг "Яккасаройтумангаз" филиалида 6 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда корхона бошланғич партия ташкилотининг раисидир.

## Партиявий бурч масъулияти

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид ғоя ва мақсадлар аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Шу боис халқимиз O`zLiDeP истиқболига катта умид билан қарамоқда. Зеро, ушбу партия ўтган қисқа давр мобайнида ўзининг нималарга қодирлигини амалда намоён эта олди.**

■ **Собиржон МАМАЖОНОВ, хусусий тадбиркор**

— Ёшим 51 да. 2001 йилдан бери тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаяпман. O`zLiDePга аъзо бўлганимга роппа-роса бир йил тўлди. Партия фаоли сифатида туман, вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар, жумладан, сиёсий ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб келаман.

Партия илгари сураётган ғоялар ниҳоятда халқчил. Уларни рўёбга чиқариш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида ташаббус кўрсатиш виждоний бурчимиздир. Зеро, юрт истиқболи учун қайғуриш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнида ўз ўрнига эга бўлиш ҳар бир партия аъзоси олдида турган эзгу мақсадлардан биридир.

Юртимизда тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Аждодларим ҳунарманд ўтишган. Болалигимданоқ отам қўлида пичоқ, қилич ясаш сирларини ўргандим. Йиллар ўтиб, мустақил равишда ҳунармандчилик билан шуғуллана бошладим. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидоргир.

Миллий ҳунармандчилигимиз ўзининг бой тарихи ва анъаналарига эга. Уларга нисбатан ёшларда меҳр уйғотиш савоб ишдир. Мана, уч йилдирки, ўзим истиқомат қилаётган Наманган вилоятининг Чуст туманидаги қатор билим даргоҳларида бўлиб, пичоқчилик тарихи ҳақида сўзлаб келаман. Натижада ўтган йили 18 нафар шогирд тайёрлашга эришдим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳсулотлар турини 18 хилга, ишлаб чиқариш ҳажмини эса 8 млн. 500 сўмга, шогирдлар сонини 35 нафарга етказишни кўзда тутаяпман. Шунингдек, маҳалламиздаги 4 та кам таъминланган оилага хайрия ёрдами кўрсатишни режалаштирганман. Яқинда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М. Тешабоевнинг "Халқ сўзи" газетаси мухбири саволларига жавобларини ўқиб қолдим. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатда давлат ва жамият тизимини янгилаш, Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш учун масъулиятни ўз зиммасига олганини очиқ-ошкора эълон қилган ягона партиядир".

Ҳар биримиз ана шу мақсад йўлида изчил фаолият олиб боришимиз, амалий ишларимиз орқали юртдошларимиз орасига дадил кириб боришимиз лозим.

**Ҳар бир сиёсий партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг оммага етказишда қуйи бўғин ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Шу боис, уларнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва таъсир доирасини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. O`zLiDeP ҳудудий тузилмалари қошида Сиёсий таълим марказларини ташкил этишдан мақсад ҳам партия фаоллари дунёқарашини ҳар томонлама кенгайтиришдан иборат.**

## Фаоллик мезони

### Биз учун муҳим, — дейди O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Исматулла СУЮНОВ

Навоий вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ўз ишини белгиланган дастур асосида олиб бормоқда. Дастлабки семинар машғулотларига шаҳар, туман кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, йирик корхоналар бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига O`zLiDePдан сайланган депутатлар жалб қилинди. Партия аъзоси Салоҳиддин Мустафоев, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Убайдулла Омонов, унинг биринчи ўринбосари Рўзиқул Жўраев, Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари Фарҳод Жўраев ўқувларни юқори савияда ташкил этиш учун алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Машғулотларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида Навоий давлат педагогика ҳамда кончилик институтлари профессор-ўқитувчиларини жалб этдилар. O`zLiDeP фаоли, НДПИ ректори Холбой Ибрагимов, тарих фанлари докторлари, профессорлар Сулаймон Иноятов, Мансур Олтинов, НДКИ кафедра мудири, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали директори, доцент Холмамат Раупов, фан номзодлари Жумабой Нуруллаев, Ойбаҳор Шамиева, Эркин Шарипов, катта ўқитувчи Маҳфуза Ҳайитованинг маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдирганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Матлуба Бурҳонова, Фахриддин Солиев, сенатор Раъно Валиева, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Камол Йўлдошев, вилоят ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат бўлими" раҳбари Фурқат Йўлдошев, партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, журналистлар ҳам ўз маърузалари билан қатнашиб, сиёсий таълим самарадорлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Машғулотларни талаб даражасида ташкил этиш, кўзланган мақсадга эришиш учун барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Уларнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида вилоят ва Зарафшон шаҳар телевидениеларида махсус кўрсатувлар ташкил қилинди. Маҳаллий матбуот нашрлари орқали турли хабар ва мақолалар чоп этилди.

Тўғри, айрим қийинчилик ва муаммоларга ҳам дуч келдик. Жумладан, вилоятимиз ҳудуди жуда катта эканлиги сабабили барча бошланғич ташкилотлар раисларини ўқувларга тўлиқ жалб эта билмаяпмиз. Шу боис машғулотларни жойларда ўтказиш имкониятларини қидираяпмиз.

***Онгли ва фаол инсонгина барча қийинчиликларни енгиб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.***

*O`zLiDeP Дастуридан*

# Тараққиёт пиллапояси

## Сиёсий фаоллик ҳар бир меҳнат жамоаси учун ҳал қилувчи мезондир

“Машҳура” ўз фаолиятини бошлаган йили 15.900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Қисқа вақт орасида бу кўрсаткич икки ҳиссага кўпайди. Топилган даромад ҳисобига янги дастгоҳлар харид қилинди. Ишчилар ва касаначилар сони 57 нафарга етказилди.

Аҳиллик ва изланишда ҳикмат кўп экан. Буни қаҳрамонларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни кунда корхона цехларида 104 турдаги кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кўрпа ва ёстиқлар, уларнинг жилдлари, чойшаблар, ишчи коржомалари, мактаб формалари, халатлар, болалар либослари ана шулар жумласидандир.

**Примқул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири**



— Биласизми, бугун вилоят иқтисодиётида корхонамизнинг ўз ўрни бор. Лекин уни оёққа турғазиш осон бўлмади, - дейди М. Ҳасанова. — Банкдан кредит олиш учун гаровга қўядиган ҳеч нарсамиз йўқ эди. Шунда “Маҳаллий саноат” ҳиссадорлик жамияти ёрдам қўлини чўзди ва бизга 750 минг сўм қарз берди. Ана шу маблағ ҳисобига 5 та тикув машинасини харид қилдик ва фаолиятимизни бошлаб юбордик.

**— Одатда айрим корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаради-ю, лекин уни сотишга келганда қийналиб қолади. Сизларда бу жараён қандай йўлга қўйилган?**

— Ҳар бир жойнинг ўз тошторозиси бўлади. Очиғи, биз ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда партия фаоллари кучига таяниб, кам бўлаётганимиз йўқ. Зеро улар барча соҳада ўрнак, ташаббускор. Хусусан, маҳсулот сифати устидан қатъий назорат ўрнатилган. Шу туфайли буюртмачилар сони кун сайин кўпаймоқда. Улар орасида вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, шунингдек, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, “Сирдарёавтойўл” бирлашмаси бор.

O`zLiDeP дастурида партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлиги ва жанговарлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Биз шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятимиз доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар бир йиғилишимиз танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтади.

Чунончи, ишлаб чиқариш жараёнига хос бўлган муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, маъмурият билан ҳамкорликда уларни ҳал этиш чоралари кўрилаяпти. Бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир.

Жорий йил январь ойида Президентимиз томонидан касаначиликни ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган Фармонга мувофиқ, касаначилик соҳасида ҳам фаолият бошладик. Гулистон шаҳри ва туманида истиқомат қилувчи салкам 20 нафар уй бекалари биздан хурсанд бўлишди. Чунки улар билан ўзаро манфаатли шартномалар туздик. Ҳозирги пайтда уларнинг барчаси корхонамиз буюртмаларини тикиб беришаяпти. Эвазига эса мўмайгина даромад олишаяпти. Муҳими шундаки, эрларининг қўлига қараб ўтиришмаяпти.

**— Бошланғич партия ташкилоти нафақат Гулистон шаҳрининг ўзида, балки атрофидаги Мирзаобод ва Гулистон туманларидаги шаҳар атрофи маҳаллаларида ҳам “Машҳура”нинг филиалларини очиш ташаббуси билан чиқса, мақсадга мувофиқ бўлмайдими?**

— Таклифингизни ўринли деб ҳисоблайман. Ташкилотимиз иш режасига киритиб қўйган фаолиятимиз қирраларидан бирини тилга олдингиз. Ростини айтганда, биз Гулистон туманига қарашли «Юлдуз» қишлоғи ҳамда Ҳамид Олимжон номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган маҳаллаларда бу масалани ўргандик. Аксарият хотин-қизлар ўзлари яшаётган маҳалла ва қишлоқларда “Машҳура” кичик корхонаси цехларини ташкил қилишни маъқуллашаяпти.

Бундан ташқари, корхонанинг довруғини эшитган вилоятнинг туман ва шаҳар меҳнат бўлимлари уйларида ишсиз ўтирган қизларни ижтимоий фойдали касб-корга ўргатиш бўйича “Машҳура”га таклиф билан мурожаат қилишди. Қарабсизки, корхона қошида ўқув маркази иш бошлади. Бугунга қадар Сирдарё вилоятининг турли туман ва шаҳарларидан йўлланган салкам 250 нафар қизлар ўқув курсини бинойидек тамомлаб, ўзларининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборишди. Бир қисми эса, корхонамизда доимий ишлашга қолди.



Мавжуда Ҳасанова, 1973 йилда туғилган. Ўрта мактабни битиргач, касб-ҳунар ўрганган ва турли вазифаларда ишлаган. Ҳозирги кунда «Машҳура» кичик корхонасининг модельер-дизайнери, бошланғич партия ташкилоти раиси.

**— Партия аъзоларидан кимларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатса бўлади?**

— Масалан, Нилуфар Қўлдошева корхонамиз қошидаги ўқув марказига ўқишга келганида, менимча, келажак тақдири шу жой билан умрбод боғланиб қолишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганлигига ишонаман. Марказдаги дугоналари билан бирга ўқиб, амалиёт муддатини ҳам шу ерда муваффақиятли ўтказди. Тикувчилик Нилуфар учун севимли ҳаётий машғулотга айланди. Чеварликка юракдан қизиқиши натижасида касб маҳоратини тинмай оширди. Корхона раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилоти уни назардан қочирмади. Марказда ўқув муддати ниҳоясига етганда, унга корхонада қолиб ишлашни таклиф қилдик.

Очиқ айтадиган бўлсам, бу таклифдан Нилуфарнинг боши осмонга етди. Шу тарзда у ҳам дипломли, ҳам ишли бўлди. Нилуфар ҳозир уста мартабасида самарали меҳнат қилаяпти, бошқаларга тикувчилик санъатини ўргатаяпти. Қувонарли томони шундаки, бугунги кунда Нилуфар Қўлдошева каби моҳир чеварлар сафи кенгайиб бораяпти. Масалан, Жумагул Бегматова, Озода Темирова, Анора Маллаева, Сабоҳат Қўзибоева, Шоира Маҳкамова ва камина ҳам шулар жумласига кирамиз.

**— Айтинг-чи, корхона маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти олдида қандай муаммолар турибди?**

— Биринчидан, корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида якдилмиз. Афсуски, бу муҳим масалани муваффақият билан ҳал этиш имкони бўлмаяпти.

**— Масалан, қандай имкониятларни назарда тутаяпсиз?**

— Баъзи корхоналарнинг раҳбарлари бурни остидаги корхонамизни четлаб, бошқа вилоятларга буюртмалар беришаяпти. Оқибатда вилоятимиздаги пуллар ташқарига чиқиб кетаяпти.

**— Сабаби нимада, деб ўйлайсиз?**

— Косанинг тагида ним коса бўлса керак-да! Бунда ўша раҳбарнинг шахсий манфаати ётгани аниқ.

Иккинчидан, корхонамизни мўътадил фаолият кўрсатишига халақит бераётган сабаблар ҳам борки, улар ҳақида айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Масалан, электр тез-тез ўчиб туради. Цехларда эса ишлаб чиқариш жараёни тақа-тақ тўхтаб қолади. Бичувчилар-ку, майли, афсуски, тикувчилар ишидан ҳам барака кўтарилади. Ваҳоланки, шаҳар электр тармоқлари идорасидан мутлақо қарздор эмасмиз.

Буюртмалар қалашиб қолаяпти. Қолаверса, бўш ўтириш оладиган маошларимиз миқдорига салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Ишларимизни ўз уйларимизда бажариб келишга мажбур бўлаяпмиз.

Хулоса қилиш мумкинки, “Машҳура” кичик корхонаси барча қийинчиликларга қарамасдан, 2006 йилнинг ўртача даврида 68 миллион сўмлик 110 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарди. Касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Президентимиз Фармонига биноан, яна 20 нафар касаначи аёл ва қизлар ишга қабул қилинди.

Афсуски, юзхотирчилик оқибатида корхона жиддий зарар кўраяпти. Масалан, электр қувватининг кунора ёки ҳафтада бир-икки ўчиб қолиши сабабли корхона ишчилари буюртмаларни ўз уйларига олиб бориб бажаришга мажбур бўлишаяпти. Агарда истеъмолчи электр қувватидан ноқонуний фойдаланса, дарҳол маъмурий жаримага тортилиши амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган. Афсуски, электр қувватини ноқонуний ўчириб қўйганлиги сабабли ишлаб чиқаришга етказилган зарарни қоплаш эса кўрсатилмаган.

Ўйлаймизки, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига партиядан сайланган депутатлар бу долзарб масалани ўрганиб чиқадилар ва амалдаги қонунчиликка тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритадилар.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш жоиз. “Машҳура” кичик корхонаси 2003 йил “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят босқичида “Энг интизомли солиқ тўловчи”, “Энг яхши тадбиркор аёл” номинацияси бўйича мукофотларга сазовор бўлган. “Замонамиз аёли - тараққиёт гарови” мавзуида 2006 йил апрелда ўтказилган вилоят томоша танловида эса, Мавжуда Рустамова раҳбарлик қилаётган “Машҳура” кичик корхонаси биринчи ўринни эгаллади ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Изоҳ шуки, “Машҳура”га “Энг интизомли солиқ тўловчи” унвони бежиз берилгани йўқ. Маҳаллий бюджетга ўз улушини қўшиб, солиқ салмоғини ошириб келаяпти. Ўтган йили 5,5 миллион сўм миқдорида солиқ тўлади. Демак, давлат ғазнасининг бойишига ўз ҳиссасини қўшди. Бозор иқтисодиётининг олтин қоидаси шундай: корхона бойиса, давлат бойлиги ҳам ортади; давлат бой бўлса, фойдаси барчага тегади.

***Ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари ажралмас жараёндир. Партия бу қатлам ислоҳот ғояларини ташийдиган ва ҳаётга татбиқ этадиган куч бўлиши даркор деб ҳисоблайди.***

*O'zLiDeP Дастуридан*

# «Меҳнат қилган иззат топади»

## дейди Олмалиқ кон-металлургия комбинати қошидаги саноат–темирйўл транспорти бошқармаси бошланғич партия ташкилоти раиси Азамат Бобожонов

...Азамат у кунларни яхши эслайди. Хусусан, 2004 йилнинг августи бир умр ёдида муҳрланиб қолган. Ўшанда у бошқармада ишлаш билан бирга институтда сиртдан таҳсил оларди. Ўқишлари жойида, фаолияти ҳам анча кўзга ташланиб қолган.Қолаверса, жамоа орасида ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Бир куни бошлиқ уни ҳузурига чақириб қолди.

**Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири**



— Ўқишларинг яхшими, қийналмаяпсанми? — гапни узоқдан бошлади Евгений Ким. — Биздан нима ёрдам керак? Фақат тортинчоқлик қилма. Эҳтимол муаммолар бордир?

Бундай меҳрибончиликдан Азаматнинг боши осмонга етди. Ўз муаммосини ўзи ҳал қилишга одатлангани учун бошлиққа миннатдорчилик билдирди.

— Бўлмаса, гапни эшит, — мақсадга кўчиб қўя қолди Евгений Степанович. — Сени O`zLiDeP аъзолигига қабул қилмоқчимиз. Нима дейсан? Тўғри, партияга ҳар ким ихтиёрий равишда аъзо бўлади. Сени ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ. Яхшилаб ўйлаб кўр. Эртага жавобини шахсан ўзимга айтасан. Келишдик-а? Мана бу билан яхшилаб танишиб чиқ.

Бошлиқ Азаматнинг қўлига аллақандай китобчани тутқазди.

— Бу O`zLiDeP дастури эди, — дея эслайди Азамат. — Уйга келгач, қайта-қайта ўқиб чиқдим. Матбуот, телевидение орқали Ўзбекистонда янги сиёсий партия юзага келганлигини эшитгандим. Лекин у қандай партия, мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлигини билмасдим. Дастурда аниқ-равшан белгилаб қўйилган қуйидаги жумлалар, айниқса, эътиборимни тортди: “...партия аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш керак, деб ҳисоблайди”.

Очиғи, “O`zLiDeP сафида бўлишим керак”, — деган фикр хаёлимга келди-ю ариза билан бошлиқ ҳузурига киришга қарор қилдим...

Ўша воқеага ҳам, мана, икки йил бўлаяпти. Орадан ўтган қисқа вақт Азамат учун сиёсий чиниқиш даври бўлди, десак янглишмаймиз. Ўтган йили институтни имтиёзли диплом билан тугаллаб, бор куч ва маҳоратини амалиётга татбиқ этишга бел боғлади. Интилганга толе ёр, дейдилар. Меҳнат қилган, албатта, қадр топаркан. Жорий йил бошида уни ҳаммаслаклари юксак ишонч билдириб, ўзларига етакчи этиб сайладилар. Бурч масъулияти уни тинимсиз изланишга ундаяпти.

— Бошқармамизда 2 минг киши фаолият юритади, — дейди етакчи. — Шундан 131 нафари бошланғич ташкилот атрофига жипслашган. 30 фоиздан кўпроқ аъзоларимиз русийзабон миллат вакилларидир. Тўғри, тилимиз, динимиз турлича. Лекин мақсадимиз, танлаган йўлимиз бирлиги туфайли қисқа вақт орасида сиёсий етук ва ишчан жамоани шакллантиришга эришдик.

Ҳақ гап. Мазкур бошланғич ташкилот айни кунда Олмалиқ шаҳридаги йирик, кўзга кўринган партиявий жамоалардан бири саналади. Асосий тадбирлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. O`zLiDeP дастури асосида ғоявий-тарбиявий ишлар кучайтирилиб, муҳим ҳаётий масалаларга жиддий эътибор қаратилаётгани боис, яхши натижаларга эришилмоқда.

— Жамоамиз ўртасида партиянинг нуфузи баланд, — дейди 1-темирйўл цехи бошлиғи, партия фаоли Аҳрор Абдурашидов. — Қисқа вақт орасида тарафдорлар сафи анча кенгайди. Яна 20 нафар ишчимиз партия сафига кириш истагида. Тушган аризалар атрофлича муҳокама қилинади. Энг муносиб номзодларнигина шаҳар кенгашига тавсия этамиз.

Бошланғич ташкилот фаолиятига хос муҳим қирралардан яна бири шуки, бу ерда сўз ва иш бирлигини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинаяпти. Партия йиғилишларида муҳокама қилинган масалаларнинг ижроси қатъий назорат қилиб борилади. Биргина мисол. “Намуна” маҳалласида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар талайгина. Ўтган ойда бўлиб ўтган йиғилишда яна шу масала ўртага ташланди. Мазкур оилаларнинг фарзандларини ишга навбатсиз қабул қилиш керак, деган хулосага келинди. Бошқарма бошлиғи, O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгаши депутати Евгений Кимнинг таклифи билан 16 киши турли цехларга ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ҳудуддаги 16-сон умумтаълим мактабида таълим олаётган эҳтиёжманд ўқувчи-ёшларга ҳам доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Бошқармада эртаю кеч ҳаёт қизғин. Йилнинг ўтган биринчи чораги давомида “Қалмоқир” мис бойитиш ҳамда “Сариқ чўққи” кон йўналишлари бўйича 6 миллион 813 минг 415 тонна маъдан рудаси, 798 минг 155 тонна қўрғошин ташиб берилди. Мавжуд техника воситаларидан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ҳақида гап кетар экан, партия аъзоларининг бу борадаги ғайрати ва жонкуярлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Келгусида белгиланган режалар кўп, - дейди А. Бобожонов. — Уларни амалга ошириш учун ички имкониятлардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Комбинат директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санақулов етакчилигида ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштириш, ишчи-хизматчиларнинг сиёсий фаоллигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро аҳиллик, фидойилик бўлган жойдагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Ҳаётий тажриба ҳам шундан далолат беради.

Азамат БОБОЖОНОВ, 1970 йилда Олмалиқ шаҳрида, зиёли оиласида туғилган. Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаган. Олмалиқ кон-металлургия комбинати қошидаги саноат-темир йўл транспорти бошқармасида бош муҳандис муовини лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси. Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

*ҲЕЧ нарса ҳаётни ягона мақсадга қаратилган фаолиятдек завқли қилолмайди*

ЖАРАЁН

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Йўловчи ташиш масъулияти

## Наманган вилоятида бу муҳим масалага етарлича эътибор қаратилаяптими?

Юртбошимизнинг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорларидан келиб чиқиб, Наманган вилоят ҳокимлигида йўловчи ташиш билан шуғулланаётганлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

**Одилжон ИНОМОВ,«XXI asr» мухбири**



Бугун аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг қайсидир кўринишида фаолият юритаётган автотранспорт ҳайдовчилари ҳам аслида тадбиркорлар сирасига киради. Аммо ҳар бир йўналишдаги "Дамас", "РАФ" русумли микроавтобуслар ёки "Тико", "Нексия"ни бошқариб, кира қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам қонун доирасида фаолият юритяптими?! Биз бу борада Наманганда амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритишдан аввал қўқонлик тадбиркорлар тажрибасига тўхталмоқчимиз. Кўҳна Қўқон шаҳрида бўлганимизда, "Наргиз-Дилором" автохизмат концерни автомашиналарини бошқараётган, ораста кийинган, хушмуомала ҳайдовчилар хизматидан йўловчиларнинг мамнунлигига амин бўлдик. Таъкидлашларича, мазкур концерн Фарғона вилоятидагина эмас, балки бутун водийда анча донғи кетган. Айни кунларда унинг негизида ташкил топган "Нарзеавто" масъулияти чекланган жамияти ҳамда шўъба корхонаси, "Зебифар Сайёр" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, "Ўзтрансавто Осиё-Европа" корпорациясида юзлаб ҳайдовчи, чилангар ва механиклар фаолият кўрсатишмоқда.

— Ҳар бир янгилик ўз-ўзидан бўлмас экан. Мазкур корхона фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда унинг филиалларини ишга тушириш осон кечмади, — дейди корхона раҳбари Абдухалил ака Алимов. — Шукр, қийинчиликлар ортда қолаяпти. Ҳайдовчиларимиз юқори савия билан хизмат кўрсатишмоқда. Айниқса, корхонамиз тендерда ғолибликни қўлга киритганидан сўнг, фаолиятимиз янада кучайди. Қўқон шаҳрида бекор юрган ёшлар ишли бўлишди. Оддий киракаш ҳайдовчилар ишга таклиф этилиб, уларнинг боши қовуштирилди. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида кўзга кўринарли ишларни амалга оширдик.

Маълум бўлишича, Фарғона вилоятининг 60-70 фоиз аҳолисига "Наргиз-Дилором" концерни ҳайдовчилари беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Ўз ишининг устаси, тадбиркор Абдухалил ака ҳамда унинг ҳамфикр ва елкадошлари Марғилон, Кува, Шаҳрихон туманлари ва Фарғона шаҳрида фаолият юритишаётир. Туманлар оралиғидаги транспорт қатновини намунали йўлга қўйиш учун қилинган саъй-ҳаракатлардан йўловчилар мамнун бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, қайси транспорт воситаси қулай ва маданиятли хизмат кўрсатса, йўловчи ўшани танлайди. Энг асосийси, йўловчини ўзига кўпроқ жалб қилишда хизмат ҳақи ҳам муҳим ўрин тутади. Корхона мутасаддилари ўз тасарруфларидаги транспорт воситаларининг йўл ҳақини доим назорат қилиб боришларини алоҳида таъкидлашди. Энг муҳими, "Наргиз-Дилором" концернини бошқараётган раҳбарлар аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш борасида водийда ягона, катта тажрибага эга тадбиркор эканликларини исботлашди.

Қўқонликлар тажрибасига доир фикрларимизни шу ерда мухтасар қилиб, Наманган вилоятида бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтсак...

— Юқрида тилга олинган қарорларда фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашдек муҳим масала турибди, — дейди вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Толибжон Ҳотамов. — Унда тижорат асосида йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари икки ой муддатда техник кўрикдан ўтказилиши, бунда уларнинг техник ҳолати, сифати ва жиҳозланиши йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига, шунингдек, қайд этиш маълумотларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган қисқа фурсат ичида автобус ҳамда микроавтобусларда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчилар фаолиятининг юқоридаги қарорлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида "Ўзавтодарётранс" агентлиги вилоят бўлими, солиқ ҳамда прокуратура идоралари билан ҳамкорликда 17 та текширув ўтказилди. Мана шу жараёнда 5594 та транспорт воситаси текширилиб, 2291 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди ва мазкур автотранспорт ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Мазкур қарорлар юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари орқали вилоятда фаолият кўрсатаётган йўловчи ташувчи уюшмаларга 80 нафар ҳайдовчи бириктирилди. 294 та транспорт воситаси ЙҲХ бошқармаси жарима майдонига қўйилди. Ўз навбатида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобуслар ҳайдовчиларининг иш ҳамда дам олиш тартибига қатъий риоя этишлари ЙПХ масканлари, милиция-блок постларида ҳам қаттиқ назоратга олинган.

— Мамлакатимиз Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари анчадан бери бартараф этилишини кутаётган муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Наманган вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Абдулаҳад Ҳусанов. — Ушбу қарорлардан сўнг вилоятда соҳага алоқадор мутасаддилар ҳамда ҳайдовчилар иштирокида катта йиғилиш ўтказилди. Бу эса автотранспортда йўловчи ташувчилар ишини тартибга солишга ёрдам берди. Биргина март ойининг ўзида агентликнинг ҳудудий бўлими томонидан 750 та йўловчи ташиш учун лицензия берилди. Ёки давлат бюджетига 20 миллион сўм маблағ туширилди.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида ўтган биринчи чорак мобайнида "Учқўрғон-Қўғай", "Наманган-Бешкапа", "Учқўрғон-Бурилма" такси ҳамда "Наманган-Чуст" автобус йўналишлари бўйича тендер ўтказилиб, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Вилоятда ўзига хос тажрибага эга бўлган "Муҳаммадсервис" масъулияти чекланган жамияти, "Чуставтотрансевроазия", "Ниҳол" каби аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш корхоналари мазкур қарорлардан сўнг иш кўламларини янада кенгайтиришга эришмоқда. Автотранспорт ҳайдовчилари учун корхоналарда етарли шарт-шароит яратиш, йўл варақаларини тўлдириш, тиббий кўрикдан ўтказиш каби тартиблар жорий қилинди. Агентликнинг ҳудудий бўлими томонидан йўловчи ташиш ҳуқуқига эга бўлган автотранспорт ҳайдовчилари учун тез-тез семинарлар уюштирилмоқда...

Катта кўча... Йўл... Ундан шоҳ ҳам, гадо ҳам ўтади. Шунинг учун "Шоҳкўча" дейишади, кўпни кўрган отахонларимиз. Бугунги жамиятимизда эса ана шу "Шоҳкўча"ларнинг эгалари (масъуллари, десак, маъқулроқдир) бутун масъулиятни ўз зиммаларига олишди. Масъуллар эса, йўловчилар беминнат ва соғ-саломат ўз манзилига етиб олишларига кафолат ваъда қилиб, тендерда иштирок этишмоқда, қонуний ҳужжатга эга бўлишмоқда. Бу жуда хайрли ва эзгу ишдир. Лекин кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, шаҳардан туманга ёки акси бўлган йўналишларда тендер ғолиблигини қўлга киритган айрим масъуллар фақат кунлик пул тушуми билангина чекланиб қолишаётгани ҳам сир эмас. Айрим ҳолларда кечки пайт бекатларда йўналишдаги автотранспортни кута-кута, охири бошқа машинага қўл кўтараётган йўловчиларни учратасиз. Кунлик пул тушуми мўлжалидан ортиқ бўлган кун йўналишдан эрта ғойиб бўлган "Форд", "Дамас", "Раф" русумли автомашиналарнинг ҳайдовчиларини боши бириктирилиб, иш жадвали асосида ташкил этилса, йўловчилар эътирозига, шикоятига ўрин қолмасди. Йўловчилар норозилигини келтириб чиқарадиган масалалардан яна бири — бу тендер ғолибларининг ҳайдовчиларга ёнилғи масаласини ҳал этишдаги бепарволикларидир. Масъулларнинг мана шундай эътиборсизлиги оқибатида ҳайдовчилар истаган пайтда йўл ҳақини кўтариб боришлари, бу билан йўловчи ҳуқуқлари суиистеъмол қилинишига олиб келиши ташвишли ҳолатдир.

# Санъат чегара билмас

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида мазкур муассаса ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг "Баҳор камалаги" мавзуидаги рангтасвир ва амалий санъат кўргазмаси ташкил қилинди. Унда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакатнинг тасвирий ва амалий санъат асарларидан намуналар алоҳида экспозицияларда намойиш этилди.

**Шаҳринисо ҚЎЛДОШЕВА**

Кўргазманинг Ўзбекистонга оид бўлимида етук рассом ва ёш мўйқалам усталарининг асарлари ўрин олди. Афсона ва ривоятлар, замонавий саҳна кўринишлари ва безакли композициялар, анъанавий ва услубий изланишлар замонавий ўзбек тасвирий санъатига хос жиҳатлардир. Улар халқимиз тарихий ва маданий меросининг таркибий қисми ҳисобланган амалий-безак санъати намуналарида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия экспозициясида замонавий рус қуроқ санъати усталари, Санкт—Петербургнинг "Квилт—клуб", "Сибирушка" қуроқ тикиш клуби ва "Рус квадрати" мактаби тингловчиларининг жамоавий асарлари намойиш этилган бўлса, қадимий Хитой маданияти ихлосмандлари Фуцзян вилояти рангтасвир санъати вакиллари асарлари билан танишдилар.

Кўргазмадан жой олган тожик рассомларининг ижодий ишларида эса турли тасвирий усуллар орқали ҳозирги замон кишисининг мураккаб дунёқараши, ўлка манзаралари ифодасини топган.

Қозоғистон экспозициясидаги заргарлик, каштачилик, кўнчилик буюмлари, шунингдек, кигиздан ишланган композициялар миллий анъаналар давомийлигидан далолат беради. Қирғизистон вакиллари ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид расмлар, кигиз, чарм ва духобага ишланган анъанавий каштачилик намуналарини намойиш этишди.

"Баҳор камалаги" кўргазмаси ШҲТ мамлакатларининг ўзига хос санъат байрамига айланди.

Шу ҳафтада Тошкентда "Ижодий парвоз" деб номланган кинофестиваль иш бошлади. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида унинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ташкилотчилар таъкидланганларидек, ушбу анжуман Марказий Осиё кино санъатида янги йўналишлар ва анъаналар юзага келишига хизмат қилади.

# «Ижодий парвоз» кино усталарига парвоз тилайди

Фестиваль давомида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон кино усталарининг 20 дан зиёд фильми намойиш этилади. Фестивални Тожикистон кино усталари томонидан суратга олинган "Овора" фильми бошлаб берди.

Республикамизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбирда бу гал "Гран-при"ни қўлга киритган фильм Москва халқаро кинофестивалида қатнашиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи ўринлар учун ҳам махсус совринлар таъсис этилган. "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бошқа бир қанча давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур кинофестиваль 7 майга қадар давом этади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятни шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Давлатимизнинг ривожланиши ваислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва унга қатъий риоя этиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

# Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий ахборот

**Фаррух АКРАМОВ, ТДЮИ талабаси**

Маълумки, юридик адабиётларда бирор ҳуқуқий масалани ечишда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар йиғиндисига ҳуқуқий ахборот дейилади ва у ҳуқуқий фаолиятнинг барча соҳаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олади.

Давлатнинг ахборот функциясини амалга оширишнинг асосий йўналишларига ахборотни яратиш, уни йиғиш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш, ҳамма учун очиқлигини таъминлаш, ундан фойдаланиш кабилар киради ҳамда бунда, айниқса, аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказишда давлатнинг ўрни ва ролига диққат-эътиборни қаратиш лозим.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ахборот ва ахборотлаштириш соҳасида бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари ва дастурлар қабул қилинди. Жумладан, "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунлар, "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш" дастури, Вазирлар Маҳкамасининг "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, "Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида" низомлар қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда фуқаролар ва ташкилот-муассасалар норматив-ҳуқуқий ахборотнинг уч асосий манбаидан фойдаланмоқдалар. Улар оммавий нашрлар (расмий нашрлар, тўпламлар), ҳуқуқий ахборот олишга мўлжалланган компьютер технологиялари (маълумот базалари) ва ҳуқуқий маслаҳат хизматларини таклиф қилувчи фирмалар (адвокатлик фирмалари)дир.

Фуқаролар кўпинча оммавий нашрлар, ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланишни афзал кўрадилар. Уларда оммавий нашрлардан фойдаланиш кўникмаларининг узоқ вақт давомида шаклланиб келганлиги ва аҳоли барча қатламларининг замонавий компьютер технологияларига эга бўлиш имкониятлари чегараланганлигини бунга асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда турли давлат идоралари, муассасалари, ташкилотлари, олий ўқув юртларида ҳуқуқий амалиёт жараёнида нашрлар қаторида компьютердаги ҳуқуқий маълумотлар тизимидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда "Norma", "Pravo" каби ҳуқуқий маълумотлар тизими мавжуд ва уларда жорий қонунчиликка оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган бўлиб, нафақат мутахассислар, балки оддий фуқаролар учун ҳам қулайлик туғдиради. "Norma" ҳуқуқий маълумотлар тизими 2000 йил январда ишлаб чиқилган. Ҳозирги пайтгача тизимда ўзбек ва рус тилларида 60 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси қонуни, қонуности ҳужжатлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар жойлаштирилган.

Компьютер технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда юридик ва жисмоний шахслар учун ҳуқуқий маълумотлар тизими норматив ахборотнинг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам компьютер технологияларини ривожлантириш, турли давлат ташкилотлари, муассасалари, барча бўғиндаги ўқув юртларини энг замонавий йўсинда компьютерлаштириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ҳуқуқий ахборотларни интернет сайтларида мунтазам равишда жойлаштириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб, ҳуқуқий ахборотларни кенг оммага тарқатишда муҳим восита ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони 855 мингта (дастур асосида мақсадли йўналишлар бўйича 2005 йил якунига кўра 246 мингта фойдаланувчи), яъни 1000 фуқаро ҳисобига 33 фойдаланувчи тўғри келади. 100 фоиз давлат бошқарув органлари интернет тармоғига уланган (дастур асосида мақсадли йўналишлар бўйича 2005 йил якунига кўра 33,4 фоиз). Кўриниб турибдики, бу борада белгиланган вазифалар самарали бажарилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳуқуқий ахборотларни тарқатиш тизимини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

ЭЪЛОН

***КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!***




***Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир МАЛИКнинг янги асари — «ҚОРА ФАРИШТА» босмадан чиқди. Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун телефонлар: 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81***

2006 йил 4 май
Пайшанба
18 (124) -сон
www.21.com
XASR

**ҲАҚИҚАТ танқидни яхши кўради, чунки ундан фақат наф қолади**

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

# Ҳақиқат қарор топишига ишонаман...

## Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раҳбарлари диққатига!

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Эндиликда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган ушбу секторда эришилаётган муваффақиятларда ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ, айрим маъмурий идоралар ходимларининг масъулиятсизликлари туфайли яхши ниятда ўз ишини йўлга қўйиб, турли тўсиқларга учраётган тадбиркорлар ҳам борки, бу беихтиёр нур борки, соя бор, деган халқ мақолини эслатади.

- ТУМАН СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМИНИНГ БИРГИНА ХАТОСИ ТУФАЙЛИ САЛКАМ ЎН ЙИЛДАН БУЁН ДАВОМ ЭТАЁТГАН МУЛК МОЖАРОСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ҚАЙТА-ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛГАНИГА ҚАРАМАСДАН, ҲАЛИ-БЕРИ ЯКУН ТОПАДИГАНГА ЎХШАМАЙДИ
- УШБУ ҚАРОР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ ПРОТЕСТИГА АСОСАН ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ РАЁСАТИДА КЎРИЛИБ, ЯНА БЕКОР ҚИЛИНДИ ВА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИГА ЮБОРИЛДИ

**Темур АБДУРАҲМОНОВ**

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган "Устаси паранг" жамоа корхонаси ана шундай тўсиқларга учраган корхоналардан. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, туман солиқ инспекцияси ходимининг биргина хатоси туфайли салкам ўн йилдан буён давом этаётган мулк можароси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан қайта-қайта кўриб чиқилганига қарамасдан, ҳали-бери якун топадиганга ўхшамайди.

Хўш, бу қандай муаммоки, уни ҳал этиш шунча муддатга чўзилмоқда?

Гап шундаки, 1993 йилнинг ноябрь ойида, яъни мамлакатимизда эндигина давлат мулкларини хусусийлаштиришга киришилган бир пайтда Юнусобод туманининг "саноат ҳудудида" жойлашган "Ўзқурилишмебельтаъминот" уюшмаси ҳозирги "Бунёд" корпорациясига қарашли "Ўзқурилиштаъмирмаиший" корхонасини шу жамоада меҳнат қилаётганлар хусусийлаштириб оладилар. Уларга ДМҚ Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилади. Мулк давлат кадастри рўйхатидан ўтказилади. Ҳақиқий эгасини топгач, корхонанинг фаолият тури янада кенгайди. Тайёрланган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар сифати яхшиланди, янги иш ўринлари яратилди. Шу тариқа жамоа корхонаси эл назарига туша бошлади. Бироқ орадан икки йил ўтар-ўтмас, фаолият кўрсатаётган корхонанинг собиқ бош ташкилоти — "Ўзқурилишмебельтаъмиртаъминот" уюшмаси (кейинчалик "Бунёд" корпорацияси) маъмурияти корхонанинг хусусийлаштирилганлигига шубҳа қилиб, саноат зонасининг маълум қисмига эгалик қилиш истагида "Устаси паранг"га берилган давлат ордерини бекор қилиш ҳақида шаҳар хўжалик судига мурожаат қилади. Оқибатда икки ўртадаги тортишув Олий хўжалик судигача бориб етди.

Хуллас, "Устаси паранг" эгаллаб турган мулкнинг бир қисми "Бунёд"га ўтадиган бўлди. Бу борада Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати 1996 йил 30 майда қарор қабул қилади. Икки корхона раҳбарияти ўртасида келишув шартномаси имзоланади. Унда даъво этилаётган мулк баҳоси "Устаси паранг"га тўлиқ тўлангандан сўнг "Бунёд"га ўтиши алоҳида қайд этилади. Яъни, ҳудуднинг бир қисмига ушбу шарт бажарилмагунича "Устаси паранг" эгалик қилиши ҳужжатлаштирилиб қўйилади. Аммо шартнома шартлари "Бунёд" корпорацияси томонидан бажарилмади. Гарчи мулкка эгалик ҳуқуқи бўлмаса-да, уни биржа орқали "Раниф" МЧЖга сотиб юборди. Бундан норози бўлган "Устаси паранг" раҳбарияти яна судга мурожаат қилди. Ушбу иш Тошкент шаҳар хўжалик судидан бошлаб, Олий хўжалик суди раёсатигача бориб етади. Яъни, шаҳар суди "Раниф" даъвосини қаноатлантириб, қарши томоннинг даъвосини рад этгач, иш Олий хўжалик судида апелляция тартибида кўриб чиқилди ва янгидан кўриб чиқиш учун қайтарилди. Сўнг суднинг кассация ҳайъатида муҳокама этилиб, апелляция инстанция қарори бекор қилинди ва биринчи инстанция қарори ўз кучида қолдирилди.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг протестига асосан Олий хўжалик суди раёсатида кўрилиб, яна бекор қилинди ва қайта кўриб чиқиш учун қайтадан шаҳар хўжалик судига юборилди. Бу ерда "Раниф"нинг дастлабки даъвоси қаноатлантирилиб, қарши даъво рад этилди. Сўнг иш яна апелляция инстанцияси қарорида бекор қилиниб, "Устаси паранг" даъвоси қаноатлантирилди. Аммо барибир муаммо ўз ечимини топмади. Сабаби, биринчи инстанция қарори бекор қилинмай қолиб кетганди.

Хуллас, "Устаси паранг" корхонаси раҳбарияти яна судга мурожаат этишга мажбур бўлди. 2002 йилнинг 1 майида иш Олий хўжалик суди ҳайъати аъзолари С. Таниқулов ва А. Қосимова иштирокида кўриб чиқилди ва тортишувларга сабаб бўлаётган мулкнинг баҳоси тўланмаганига қарамай, унинг олди-сотди жараёнлари тўғри ва у "Устаси паранг" жамоа корхонасига қарашли эмас деб ҳисоблансин, деган қарор қабул қилинди.

Гапнинг очиғи, суд ҳайъатининг тўсатдан бундай қарорга келишини тушуниш қийин. Негаки, айнан шу таркибдаги ҳайъат 1996 йилнинг 30 майида икки корхона раҳбарияти ўртасида тузилган келишув шартномасида бевосита иштирок этиб, унга имзо чеккан ва даъво этилаётган мулк баҳоси "Устаси паранг"га тўлиқ тўлангандан сўнггина "Бунёд"га ўтиши лозим деган қарорга келган эди. Афсуски, судлов ҳайъати аъзолари ўзлари маъқуллаган ўша шартнома шартларини бу сафар "унутишди".

Қолаверса, ишни кўриш жараёнида судьялар "Бунёд" корпорацияси томонидан келишув шартномаси бажарилмагани, Юнусобод туман давлат солиқ инспекцияси мулкнинг эгаси кимлигини аниқламасдан туриб биржа савдосига қўйиб юборгани, Тошкент муниципал биржа маркази ҳам ўз навбатида тақдим этилган ҳужжатларга эътибор бермасдан мулкнинг ноқонуний сотилишига йўл қўйгани, биржага тақдим этилган кадастр ҳужжатлари сохта эканлигидан кўз юмдилар.

Иш материалларида "Бунёд" корпорацияси билан "Раниф" ўртасида саноат базасини олиш ва топшириш тўғрисидаги далолатноманинг сохталиги тасдиқланган, "Раниф" МЧЖ раҳбарияти ушбу далолатноманинг нотўғрилигини тан олган бўлса-да, буни судлар негадир инобатга олмадилар. Бундан ташқари, бу борада республика Бош прокуратураси томонидан 2003 йил 18 февралда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 47301-л-у қарорини бекор қилиш тўғрисида ва 2004 йилнинг 24 февралдаги протестлари ҳам қаноатлантирилмади.

Оқибатда "Устаси паранг" раҳбарияти 11 йиллик асаббузарликлардан сўнг ҳам оддий бир ҳақиқатни юзага чиқара олмади.

— Сезган бўлсангиз, ўтган ана шу вақт мобайнида турли даражадаги судлар Алининг тўнини Валига, Валиникини эса Алига кийдириш билан шуғулланиб, қанча вақтимни беҳуда ўтказишди, — дейди корхона раҳбари Роберт Тўлаганов. — Аммо бундан заррача ҳам тушкунликка тушганим йўқ. Чунки ҳақиқат барибир қарор топишига ишонаман.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мустақил ҳокимият тармоғи бўлган судларнинг эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани боис, судлар фаолияти тубдан ўзгарди. Судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунишии, жиноят ишларининг ҳайъат ва якка тартибда кўрилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги асосида амалга ошириш, айбсизлик презумпцияси каби қатор конституциявий тамойилларнинг қўлланилиши судлар мавқеини кескин оширди.*

*Натижада турли идоралар тазйиқидан ҳоли бўлган судлар эмин-эркин фаолият юрита бошлади.*

*Аммо, афсуски, таҳририятга йўлланган айрим шикоят ва аризаларни ўрганиш чоғида баъзи ишлар судларнинг турли инстанцияларида йиллаб кўрилаётгани, боз устига бир инстанция иккинчи инстанция хулосасини бутунлай йўққа чиқариши ёки орадан маълум муддат ўтгач, айни шу ишни қайта кўриб чиққан судья ёки ҳайъат аввалги қарори (ажрими)ни рад этаётгани ҳам маълум бўлиб қолаяпти. Юқорида баён этилган ҳолат бунинг ёрқин далилидир.*

ФОТОАЙБНОМА

# Ўзи хон, кўланкаси майдон

Автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги ва эркин ҳаракатланишини таъминлаш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда пойтахтимизнинг аҳоли гавжум ҳудудлари, бозорлар, савдо расталари атрофида автомобиллар учун кўплаб вақтинчалик тўхташ жойлари ташкил этилган. Уларнинг бўлгани яхши, албатта.

**Шухрат РАҲИМОВ**

Қолаверса, ушбу тўхташ жойларидан келиб тушаётган кунлик маблағлар давлат хазинасини бойитишга хизмат қилмоқда.

Афсус, ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмас. Ранг кўр, ҳол сўр, дейдилар. "Паркент" бозори атрофида жойлашган "Барқарор хизмат" хусусий фирмасига қарашли тўхташ жойи фаолиятини кўздан кечирарканмиз, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Аввало, тўхташ жойига киритилаётган транспорт воситалари хавфсизлик чоралари кўрилмасдан ўтказиб юборилмоқда. Ходимлар тегишли хавфсизлик воситалари билан таъминланмаган. Қолаверса, машина қанча тўхтаб туришидан қатъий назар, бу ерда бир хил нарх (500 сўм) белгиланган. Назоратчи Носир Саидов бир марталик чиптани хуши келса беради, бўлмаса йўқ.

Ана энди давлат хазинасига қанчаю, шахсий чўнтакка қанча пул тушишини ҳисоблаб кўраверинг. Ахир, бир кунда бу ерга озмунча машина кириб чиқадими?

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида "Барқарор хизмат" фирмаси иш юритувчиси ва ходимларига мурожаат қилдик. Афсуски, улардан жўяли жавоб ололмадик. "Хўжайинлар билади, биз ҳеч нарса деёлмаймиз, чунки ўзимизнинг ёзилмаган қонунларимиз бор", — дейишдан нарига ўтишмади.



Ана холос! Буни қандай тушуниш керак? У ҳолда амалдаги қонунларнинг кучи қаерда қолади? Ваҳоланки, белгиланган тартибга риоя қилмаслик ҳам қонунбузарчиликнинг ўзгинасидир. Қолгани мутасаддилар эътиборига ҳавола. Улар кўтарилган масала хусусида нима дейишаркин?..

КИТОБ БАЙРАМИ

Андижон шаҳрида ана шу шиор остида китоб байрами бўлиб ўтди. Тадбир Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида бошланиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли кутубхонада ташкил этилган "Ватан, сенсан энг гўзал чаман" деб номланган мустақиллик даври китоблари кўргазмаси билан давом этди.

# Улуғимсан, Ватаним!

**Ўз мухбиримиз**

Унда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номли, Чўлпон номли, «Маънавият», "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан сўнгги йилларда чоп этилган ижтимоий-сиёсий, бадиий ва бошқа мавзулардаги энг сара асарлар намойиш қилинди.

Байрамни вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов, вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Ибрагимов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан қутладилар. Анжуманга ташриф буюрган ижодкорлар Андижон шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйи кутубхонасига ўқув дарсликлари, бадиий адабиётлар тақдим этиб, болажонлар қувончига шерик бўлдилар. Сўнгра Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Али, Тоҳир Малик, таниқли шоир, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, андижонлик ижодкорлар — Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Хуршида бону Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, педагогика касб-ҳунар коллежи талабалари, Форобий номли маҳалла аҳли билан учрашиб, самимий суҳбат қурдилар.

ИҚТИСОДИЁТ

Қашқадарёда хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди.

# Янги қўшма корхона

Европанинг етакчи мамлакатлари фирмалари билан ҳамкорликда тузилган "Шўртангазмаҳсулот" масъулияти чекланган жамиятнинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, унинг тенг ярмини ўзбекистонликлар, қолган қисмини эса (ҳар бири йигирма беш фоиздан) Швейцариянинг "Зеромакс" ҳамда Буюк Британиянинг "APCH Enerdo ITD" компаниялари ажратишган. "Шўртангазмаҳсулот" Ўзбекистон-Швейцария-Буюк Британия қўшма корхонаси суюлтирилган газ ишлаб чиқаради.

Мазкур қўшма корхонанинг ташкил этилиши аҳолининг суюлтирилган газга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

***

Қашқадарёлик тадбиркорлар учун яна бир имконият эшиги очилди. Вилоятда ягона бўлган "Кеш" кредитлар уюшмаси ўз аъзоларига кредит беришни йўлга қўйди. Нишон туманида жойлашган бу янги турдаги молия-кредит муассасасига тадбиркор аёл Гулнора Халилова раҳбарлик қилаётир.

# «Кеш»нинг дастлабки кредитлари

"Кеш"нинг дастлабки кредитлари тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тикувчилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ишбилармонларга берилди. Миқдори 500 минг сўмдан 1,3 миллион сўмгача бўлган кредитни тадбиркорлар фақат нақд пул тарзида олмоқдалар.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган, ўз аъзоларига кредитлар ажратиш ва аҳолининг ҳоли турган маблағларини депозитларга жалб этиш ҳуқуқини қўлга киритган "Кеш" кредитлар уюшмаси яқин кунларда мижозларни истеъмол кредитлари билан таъминлашни режалаштирмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани бунинг яққол далилидир.

# Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

**Дилором ЭСОНОВА, ЎзА мухбири**

Сирдарё вилояти, Ховос тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида иш ва ўқишда банд бўлмаган ўттиз тўққиз нафар йигит-қиз рўйхатга олинди. Яқинда туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида уларнинг ўттиз тўрт нафари иш билан таъминланди, беш нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ҳеч бир ёш йигит-қизлар эътибордан четда қолмаслигига, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига қаратилган бундай саъй-ҳаракатларни вилоятнинг барча туманларида кузатиш мумкин.

*ҒАЗАБ устида урган ҳар бир зарбамиз охир-оқибат ўзимизга келиб тушади*



АҚШ

# «Озодлик» империясининг кеча ва бугуни

## ёки ёдга олинмаётган ўгитлар хусусида

АҚШнинг ўн олтинчи президенти Абрахам Линкольн ўз замонасининг сиёсатчилари фаолиятига баҳо бериб: "Бир қисм одамни алдаб юриш мумкин, ҳаммани бироз вақт алдаб юриш мумкин, аммо ҳаммани ҳамиша алдаб бўлмайди", деган эди. Бироз чуқурроқ мулоҳаза юритилса, бундан бир ярим аср муқаддам айтилган ана шу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганига амин бўламиз. Дунё сиёсий саҳнасида рўй бераётган турли найранглар, манфаатпарастлик ва иккиюзламачиликларга нисбатан берилган ана шу баҳо XXI асрга келиб ҳам ўз эгаларини топаётгандек туюлади. Хусусан, бугунги Оқ уй маъмурияти тутаётган йўл, ўз манфаатлари йўлида қабул қилаётган қарорлари, иккиёқламалик сиёсати беихтиёр ана шундай фикр юритишга мажбур этади.




■ Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ

Бундан олти йил муқаддам ўтказилган президент сайлови даврида республикачилар номзоди кичик Буш президент этиб сайланган тақдирда ички сиёсатда қатор ижобий ўзгаришлар ясашни, хусусан, солиқларни қисқартириш, ташқи сиёсатда эса ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни, Исроил ва Фаластинга ўз тақдирини ўзи ҳал этишига имкон беришни ваъда қилганини бир эсга олайлик. Айни пайтда аҳоли орасида ўтказилган сўровлар оддий америкаликларни Яқин Шарқдаги вазият, Шимолий Корея, Эрон ядровий дастурига оид музокаралар қай тарзда кечаётгани ёки халқаро террорчиларга қарши кураш тафсилотлари эмас, кўпроқ соғлиқни сақлаш, солиқ, иқтисодий масалалар қизиқтираётганини кўрсатмоқда.

Маълумки, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг йирик коалиция тузишга мажбур бўлган Оқ уйнинг кейинги сиёсати берилган ана шу ваъдаларга умуман мос келмаётганини халқаро кузатувчилар бежиз таъкидламаётирлар. Аксинча, "биринчи" рақамли мамлакат сўнгги беш йил ичида ер юзидаги энг катта қурбонлар талаб қилган икки уруш оловини ёқишга улгурди. Бугун эса жаҳон оммавий ахборот воситалари учинчи уруш ўчоғи Эрон бўлиши мумкинлиги тўғрисида тез-тез бонг урмоқдалар. Тан олиб айтиш керакки, сентябрь воқеаларидан кейин бутун дунё америкаликларга ҳамдард бўлди, ёрдам қўлини чўзди. Узоқ-яқиндан террор балосига рўбарў келган халққа кўмак беришга ошиқдилар. Ҳатто 1979 йилги инқилобдан сўнг Америка билан дипломатик муносабатларини батамом узган Эрон ҳам оқилона йўл тутиб, "Ал Қоида" террорчиларини қўлга олиш учун амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди. Бу, албатта, фақат ўзаро ҳамкорлик орқалигина ёвуз иллат — террорчиликни тагтомири билан йўқотиш мумкинлигига ишора эди. Аммо яхши ният билан тузилган коалиция мавжуд муаммони кутилган даражада ҳал этолмади, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига барҳам берилмади. Айрим кузатувчилар, ҳатто Марказий Осиёдаги вазиятни беқарорлаштириш учун Афғонистондан фойдаланишга уринишлар камаймаётганини таъкидлашмоқда.

Яна бир тоифа кузатувчилар эса, аслида қонли "11 сентябрь" АҚШ маъмурияти учун катта сабоқ бўлиши лозим эди. Лекин амалдаги президент бундан тегишли хулоса чиқармади, дея таъкидламоқдалар. Энг ёмони эса, АҚШ халқаро майдондаги ҳарбий талотўплардан асосан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдики, бу коалицияга бирлашган кучлар фаолиятига бўлган ишончга путур етказди. Боз устига, АҚШ ўзининг яқин ва доимий иттифоқчиларини ҳам юз-хотир қилмай, куч ишлатиш сиёсатига зўр берди. Халқаро терроризм таҳдиди рўкач қилиниб, Афғонистондан сўнг Ироққа қарши уруш эълон қилинди. Жаҳон жамоатчилиги Жорж Буш раҳбарлигининг биринчи муддатида давлат котиби лавозимида ишлаган Колин Пауэллнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги маърузасини ҳали-ҳануз унутгани йўқ. Дипломатик саъй-ҳаракатлар орқали ҳал бўлаёзган Ироқ муаммоси Вашингтоннинг қатъий истаги билан урушга айланиб кетди. Узоқни кўра билмаслик сиёсати оқибатида Европа билан АҚШ ўртасидаги мустаҳкам алоқаларга дарз кетди, кўҳна қитъада Америкага нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлди, жаҳон жамоатчилиги эса АҚШ билан қурилган дўстлик ва иттифоқчилик кўприги нақадар омонат эканлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Ироқда оммавий қирғин қуроллари топилмагани, Саддам Ҳусайннинг "Ал Қоида" террорчилари билан тил бириктирмагани аён бўлди. Аммо энди кеч эди... Қолаверса, бундай хатти-ҳаракатлар замирида жаҳон бозорида тобора қадри кўтарилаётган еврони қадрсизлантириш, мустақил ташқи сиёсат юритаётган Европа Иттифоқини обрўсизлантириш мақсади ётганлиги ҳам аёнлашди...

Бир сўз билан айтганда, иккинчи жаҳон урушидан кейин Яқин Шарқни "демократлаштириш" йўлида жонини жабборга бераётган АҚШ режалари амалга ошмай қолди. АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг ўтган йил охирида Исроилга ташрифи давомидаги "Афсуски, минтақада демократияни ёйишга қаратилган қарийб 60 йиллик уринишимиз зое кетди", деган сўзлари ҳам бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Бу ҳам майли. Танланган ана шу йўл — АҚШнинг "қўш стандартлар"и Яқин Шарқ мамлакатларида экстремистик гуруҳларни ҳокимият тепасига олиб келгани ҳаммасидан ўтиб тушди. Ёки бошқа бир ҳолатни таҳлил этайлик. Демократия дея оғиз кўпиртираётган кучлар яқиндагина Фаластиндаги "ХАМАС" ва Ливандаги "Ҳизбуллоҳ" гуруҳлари вакиллари демократик сайловлар натижасида парламентда кўпчилик ўринларни эгаллаганларидан сўнг, улар тузган ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилмасликларини маълум қилдилар. Сайловларда ана шу гуруҳлар учун овоз берган аҳоли эса бу ҳолатни "иккиюзламачилик" дея баҳолай бошлади. Ливан парламенти депутати Навар Саҳли: "АҚШ демократик сайлов ҳақида лоф урадию у ёки бу мамлакатдаги сайлов ўз манфаатларига зид келса, уни қабул қилмайди" деганида қандай маъно борлигини тушуниш қийин эмас, албатта.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш ўринлидек туюлади. Хусусан, Ироқ заминида содир этилаётган зўравонликлар, демократияни зўрлаб "экспорт" қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бора кўрсатди. Оқибатда АҚШни кеча қўллаб-қувватлаган иттифоқчилар Ироқдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошладилар. «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» ақидасига амал қилмаган АҚШ кенг жамоатчилик ва экспертларнинг огоҳлантиришларига қарамай, яна сийқаси чиққан ўша "сценарий" асосида Ироқдан сўнг Эронга тош ота бошлади.

АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ўз даврида ер юзининг турли бурчакларидан яқин иттифоқчи топиш мамлакат ташқи сиёсатида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Оқ уй эса минг бир машаққатлар билан топилган ўз иттифоқчиларини чув тушира бошлагани учун ҳам Эрон масаласида иттифоқчилар топишда жиддий муаммоларга дуч кела бошлади. Ҳатто барча халқаро масалаларда Вашингтон билан елкама-елка турадиган Буюк Британия ҳам, мабодо, Эронга қарши уруш очиладиган бўлса, халқаро коалицияда қатнашмаслигини маълум қилди. Ўтган ҳафтада эса АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Эронга қарши ҳамфикр топиш мақсадида Греция ва Европанинг бошқа давлатларида бўлди. Аммо сафардан кўзланган натижага эришилмади. Европа давлатлари Эрон муаммосини дипломатик йўллар билан бартараф этишни маъқул кўраётганлари бежиз эмас, албатта. Аслини олганда, Афғонистон ва Ироқда эришилган енгил ғалабадан сўнг Пентагон Эроннинг кучқудратини реал баҳоламаётган кўринади. Миср президенти Ҳусни Муборак таъкидлаганидек, "Эрон осон чақиладиган ёнғоқ эмас". Жимми Картер маъмуриятида миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган машҳур сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг фикрига кўра, Эронга ҳужум Американинг халқаро майдондаги нуфузига қақшатқич зарба бўлибгина қолмай, унинг инқирозига йўл очиб, "олтин даври"га хотима ясайди. Аммо ана шундай хулосалар, фикр-мулоҳазаларга қарамай, Вашингтоннинг Эронга қарши ядровий зарба бериш билан боғлиқ ниятини яширмаётгани энг ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини халқаро кузатувчилар бежиз таъкидламаётирлар. Бу эса шубҳасиз Хиросима ва Нагасаки фожиаларини унутиш билан баробардир. Айни пайтда биргина Чернобиль фожиаси оқибатида юз минглаб одамлар тузалмас дардга мубтало бўлганини унутиш мумкинми? Халқаро кузатувчилар эса бундай интилишлар ортида Эрон ва Хитойни кучсизлантириш, Россияни Марказий Осиё ва Кавказдан суриб чиқариш мақсадлари ётганини якдиллик билан таъкидламоқдалар. Чунки минтақада янги уруш бошланса, жаҳон бозорида нефтнинг нархи янада кўтарилиши муқаррар. Икки буюк давлат — Хитой ва Ҳиндистон иқтисодиёти ана шу стратегик хомашёга боғлиқлигини инобатга олсак, Американинг узоқни кўзловчи мақсадлари янада ойдинлашади.

Яна бир гап. Демократия ва инсон эрк-ҳуқуқлари тўғрисида гапиришдан чарчамаётган Вашингтоннинг ҳарбий мақсадлар учун ажратаётган маблағлари ўнлаб йирик мамлакатларнинг умумий харажатларидан ҳам ошиб бораётгани АҚШ бу борада узоққа мўлжалланган сиёсат олиб бораётганини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, солиқларни қисқартиришга ваъда берган Жорж Буш маъмурияти "миллий манфаатларга мос" келадиган ҳарбий дастурларни ишлаб чиқишда изчил давом этмоқда. Бу эса бошқа давлатларни хавотирга солиб, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқда. Мана бир мисол, келгуси йилда Пентагоннинг зарурий эҳтиёжлари учун 439,3 миллиард доллар ажратиш мўлжалланаётир. Бу эса давлат бюджетининг 16 фоизини ташкил этади. Аммо бугунги кунда 38 миллион одам тўйиб овқатланмаётган ва йил сайин қашшоқлар сони ўсиб бораётган АҚШда кўп маблағ талаб қиладиган ҳарбий дастурларнинг кетидан қувиш кимга фойдаю, кимга зарар, деган савол туғилиши табиий.

Мустақил давлатлар суверенитетини писанд қилмай, уларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш "озодлик империяси", "ғарб цивилизацияси халоскори"ни дунё афкор оммаси ўртасида тобора обрўсизлантирмоқда. Кузатувчилар эътирофида жон бор: бугунги кунда Оқ уй Жанубий Америкада ҳам ўз сиёсатини ўтказа олмай қолди. Яқин-яқингача Вашингтон учун ягона "зирапча" бўлган Куба каби давлатлар сони ортди ва бугунга келиб Лотин Америкасида Қўшма Штатларга қарши кайфият чуқурлашиб бораяпти. Бундай агрессив ташқи сиёсат, яъни демократияни "экспорт" қилиш, уни четдан туриб зўравонлик билан жорий этишга уриниш, амалдаги ҳукуматларга мухолиф ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш қандай оқибатларга олиб келиши бугун барчага маълум. Боливия, Аргентина, Бразилия, Эквадор, Венесуэла каби давлатларда сўл кучларнинг ҳокимият тепасига келиши бунинг яққол исботидир. Натижада Американинг эркин савдо ҳудудини барпо этиш режаси чиппакка чиқди. Минтақа давлатлари турли иқтисодий ёки сиёсий уюшмаларни ташкил этиш жараёнида очиқдан-очиқ Американи четлаб ўта бошладилар.

Аммо АҚШ маъмурияти бундан хулоса чиқармаётган кўринади. Акс ҳолда Кондолиза Райс Россия ва Украина ўртасида юзага келган "газ можароси"ни сиёсий ўйин сифатида баҳоламаган бўларди. Ёки бошқа бир мисолни олайлик: АҚШ ҳудудида чечен террорчилари форумини ўтказишга рухсат этилгани ва унда Конгресс аъзоларининг қатнашгани Россия ва собиқ иттифоқ республикаларига қарши "қўш стандартлар" сиёсати давом этаётганидан, бузғунчиларни геосиёсий ҳукмронлик даъвосида юрган кучлар қўллаб-қувватлаётганлигидан далолатдир. Ваҳоланки, Москва Вашингтоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги асосий иттифоқчиларидан биридир. Андижон фожиаларини келтириб чиқарган террорчи кучлар ортида ҳам бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзда тутган сиёсий кучлар турганлигини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Тарихдан маълумки АҚШ ўз қудратига мустаҳкам иқтисодиёт орқали эришди. Буни ҳеч ким рад этмайди. Аммо у кунлар ортда қолаётганини ҳам сезиш қийин эмас.Масалан, юқори ахборот технологиялари соҳасида АҚШ аллақачон етакчиликни бой берди. Биргина Финляндиянинг чоғроқ компанияси уяли алоқа технологиялари бўйича Америка "гигант"ларига нисбатан тўрт марта кўпроқ савдо айланмасига эга эканлигининг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Сунъий алоқа йўлдошларининг эса, деярли ярми Европа ракета ташувчилари томонидан фазога йўлланаётир. Мутахассислар 2006 йилда бир қатор давлатлар иқтисодий ўсишда дунё кўрсаткичларидан ўзиб кетишини таъкидлашаётган ҳозирги кунда сармоядорлар ўз маблағларини Хитой ва Ҳиндистон, Россия ва Марказий Осиё бозорларига киритишни маъқул кўришаётган бир пайтда бу АҚШ учун кутилмаган ҳолатдир. Энг ёмони эса, бу айсбергнинг бир қирраси, холос.

Шундай экан, кузатувчиларнинг фикрича, Американинг демократик қадриятлар ниқобига ўралган сиёсати, биринчи галда унинг ўзига жуда қимматга тушиши, "олтин" даврига хотима ясаши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тарихда эса бунга ўхшаш мисоллар кўп бўлган...

ХОЛИС ФИКР

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

ГРУЗИЯ

Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашвили Россия билан "вино уруши"га шу қадар шўнғиб кетдики, ўзининг бевосита вазифасини буткул унутиб қўйди. Натижада куни-кеча тунда мудофаа вазирлигининг махсус топшириқларни бажарувчи илғор батальондан 70 нафар ҳарбий хизматчи қочиб кетди.

# Армиядаги бебошлик

Гап шундаки, беш нафар ҳарбий хизматчи спиртли ичимлик истеъмол қилгани аниқланиб, интизомий жавобгарликка тортилиши маълум бўлгач, уларга бирдамлик сифатида 70 нафар аскар ҳарбий қисмни ташлаб, Тбилисидаги Омбусман ҳузурига йўл олган. Худди шу куни Грузия қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги нишонланаётган эди. "Новости" РИА хабар беришича, қочоқлар кейинроқ ўз қисмларига қайтишган. Уларнинг кейинги тақдири ҳақида эса ҳеч қандай хабар берилмаяпти.

Мудофаа вазирлигининг махсус батальонида ушбу ҳодиса рўй берган бир вақтнинг ўзида Сенаки ҳарбий базасида Грузия мудофаа вазири ҳукумат аъзолари, НАТОга аъзо мамлакатларнинг ҳарбий атташелари ҳамда дипломатик корпус вакиллари ҳузурида қуролли кучлар соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар ва 2005 йилда соҳага сарфланган харажатлар ҳақида маълумот берди. Унинг айтишича, ўтган йили ҳарбий бюджет 366,7 млн. лари (203,72 млн. доллар)ни ташкил этган. Окруашвилининг янги — 2007 йилни Жанубий Осетия пойтахти — Цхинвалида кутиб олиш борасидаги баёноти эса минтақада хавотирларни кучайтириб юборди. Чунки Грузия армиясида давом этаётган бошбошдоқлик, тартибсизлик, аскарларнинг тўйиб овқат емаслиги ҳалибери мамлакат ҳудуди яхлитлигини таъминлашга имкон бермаса керак.

ПОЛЬША

Польша мудофаа вазири Радик Сикорский мамлакатни четлаб ўтган Шимолий Европа газ қувури қурилиши режасидан норози эканлигини изҳор этди, деб хабар беради Би-Би-Си.

# Варшава янги газ лойиҳасидан норози



Расмий Варшава ўзини четлаб ўтган савдоларга норозилигини таъкидлар экан, Польша мудофаа вазири имзоланган келишувни Молотов-Риббентроп пактига тенглаштирди. Польша хавотирига кўра, янги газ қувури ишга туширилиши билан Россияда унга нисбатан сиёсий босим кўрсатиш қуроли пайдо бўлади.

АНГОЛА

"Қора қитъа"даги ночорлик, қашшоқлик, соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағнинг камлиги, йирик давлатларнинг уларга нисбатан адолатсиз савдо чекловларини жорий этгани аҳоли орасида турли юқумли касалликларнинг тарқалишига олиб келмоқда.

# Ангола ўлат чангалида

Биргина Анголада мамлакат тарихидаги энг йирик вабо эпидемияси оқибатида 900 нафарга яқин одам ҳалок бўлди, деб хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги. Ушбу юқумли касаллик февраль ойида авж олган эди. "Чегара билмас шифокорлар" халқаро гуманитар ташкилоти маърузасида айтилишича, бугунги кунда вабо касаллигидан тахминан 20 минг анголалик азият чекмоқда. Биргина сешанба кунининг ўзида касаллик таёқчалари 929 нафар одамда аниқланди, улардан 25 нафари ҳаётдан кўз юмди. Мазкур ташкилот раҳбарлари Ангола ҳукуматини эпидемияни тўхтатиб қолиш мақсадида умуммиллий миқёсда фавқулодда чоралар кўришга чақирдилар.



2006 йил 4 май
Пайшанба
18 (124) –сон
www.21asr.com
XXI ASR

**ЙИРИК муваффақият аввал назарда тутилган ва пухта ўйланган беҳисоб кичик ҳаракатлардан ташкил топади**

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

КИКБОКСИНГ

# Мезбонлар ишончни оқлашди

## Пойтахтимизда кикбоксинг бўйича 3–жаҳон чемпионати бўлиб ўтди

Юнусобод даҳасидаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган мазкур мусобақада МДҲнинг барча республикалари, шунингдек, Эрон, Канада, Непал, Греция, Албания каби 27 мамлакатдан қарийб 600 нафар спортчи иштирок этди.

■ Шухрат ХЎЖАЕВ





Ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган ва яқин келажакда Олимпия ўйинлари қаторига киритилиши кутилаётган кикбоксинг кейинги йилларда ўзбекистонлик ёшларнинг севимли спорт турига айланди. Чунончи, бокс ва шарқ яккакурашларининг бир неча тури асосида вужудга келган кикбоксинг бўйича 2005 йилда Тошкентда Осиё очиқ чемпионатининг ўтказилгани, қолаверса, ўша йили Эроннинг Ҳамадон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Кикбоксинг федерациясининг (WFK) II жаҳон чемпионатида Ўзбекистон термаси аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаганликлари фикримизга далилдир. Шунинг учун бўлса керак, WFK Ижроия қўмитаси навбатдаги жаҳон чемпионатини ўн битта даъвогар давлат орасидан айнан юртимизда ўтказишга қарор қилди. Айтиш жоизки, мусобақа мезбонлари — Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари маркази ва Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси мураккаб тақвим бўйича ташкил этилган чемпионатни юқори савияда ўтказиб, WFK ишончини оқлашди. Мураккаб дейишимизнинг боиси шундаки, чемпионат давомида беллашувлар ўсмирлар, ёшлар, катталар ва профессионаллар ўртасида, қолаверса, semi-contact, light- contact, full-contact, oriental- contact ҳамда мусиқий чиқишлар каби бир неча йўналиш бўйича ўтказилди. Ундан ташқари, маълум йўналишларда жанг қилган баъзи кикбоксчилар татамида беллашган бўлсалар, айримлари рингда курашдилар.

Чемпионат натижаларига тўхталадиган бўлсак, кутилганидек, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон термаси биринчи ўринни эгаллади. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар эса тегишли равишда эронлик ва қозоғистонлик спортчиларга насиб этди.

Мусобақа иштирокчиларининг сони шу даражада кўп эдики, охирги кун тахминан 120 нафар спортчини турли қийматдаги медаллар билан тақдирлаш маросими салкам 5 соат давом этди.

ЭШКАК ЭШИШ

Францияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган эшкак эшиш бўйича анъанавий мусобақаларда иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар Осиёнинг ягона вакиллари сифатида қитъа ва мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

# Осиёдан — фақат ўзбекистонликлар

Европанинг 19 та жамоаси эшкакчилари билан бир қаторда бош совринлар учун кураш олиб борган юртдошларимиз ҳар хил турдаги 8 та медални қўлга киритишди. Жумладан, байдаркада 1000 метр масофани якка тартибда сузиб ўтишда ҳеч кимга имконият бермаган 15 яшар Олеся Кудрина ҳамда тўртлик баҳсларида энг яхши натижага эришган О.Кудрина, Елена Мишина, Ксения Прилепская ва Екатерина Шубинадан иборат квартетимиз, шунингдек, 500 метрли масофани сузиб ўтишда барча рақибларини ортда қолдирган жуфтлик (О.Кудрина ва К. Прилепская) олтин медаллар билан тақдирландилар. Бундан ташқари, терма жамоамиз вакиллари 3 та кумуш ва 2 та бронза медални ҳам қўлга киритишди.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

***8 - 14 май кунлари***

**ҚЎЙ.** Узоқ муддатли меҳнатингиз, ниҳоят, самара бера бошлайди. Гарчи тагига олса-да, ўз қўлингиз билан пиширилган ош барибир мазали бўлишига яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз. Сешанба куни қўшимча буюртмалар олиб, молиявий аҳволингизни яхшилашга эришасиз.

**БУЗОҚ.** Рақобатчилар нонингизни яримта қилиш ниятида доимий ҳамкорларингизнинг кўнглини овлаш пайида бўладилар. Бундай ҳолатни сезсангиз, дарров қадрдон мижозларингиз билан боғланиб, вазиятни айнан ўз манфаатларингизга мослаб ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

**ЭГИЗАКЛАР.** Сизни ҳеч ким мажбурлай олмаслиги аниқ, аммо соғлиғингиз кўтарса, кунига 15 соат ишланг. Юлдузларнинг "эгизаклар"га маслаҳати айнан шундай. Ишчанлигингиздан кўпчилик хабардор бўлса керак, катта давраларда сизнинг шаънингизга, яхши сўзлар айтилади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Ҳафта ўртасида соғлиғингиз билан боғлиқ унча жиддий бўлмаган муаммо вужудга келишини ҳисобга олмаганда, омадли етти кунни бошдан кечирасиз. Сешанбада астойдил ижод қилиб, бетакрор асар яратишга муваффақ бўласиз.

**АРСЛОН.** Ҳаддан зиёд ишонувчанлигингиз оқибатида фирибгарнинг домига илинишингиз, катта миқдордаги маблағдан жудо бўлишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам, айниқса, дам олиш кунлари пулли ишлар билан шуғулланмасликка ҳаракат қилинг.

**ПАРИЗОД.** Бир нечта ишни баравар олиб бориб, катта ютуқларга эришасиз. Пайшанба куни бошингизга кутилмаганда олтин олма тушса, ҳайрон бўлманг. Юлдузлар "таъкидлашича", айнан шу куни омад дея аталмиш оламнинг эшиклари сиз учун очиқ бўлади.

**ТАРОЗИ.** Ҳар эҳтимолга қарши меҳмон кутиш шартларию дипломатик маданият қонун-қоидаларини ўрганиб чиқинг. Зеро, ҳафтанинг биринчи ярмида ё уйингизга, ё ишхонангизга яқин хориждан ташриф буюрган нозик дидли меҳмонларнинг эшик қоқиши кутилмоқда. Ушбу учрашувлар истиқболли келажагингизнинг тамал тоши бўлиб қолиши мумкинлигини эсдан чиқарманг.

**ЧАЁН.** Асаббузарликлар билан бошланган ҳафта бир-икки кун мобайнида бахтиёр онларга уланиб кетиши кутилмоқда. Душанба ва сешанба кунлари бажарган ишингиз, ҳарчанд ҳаракат қилманг, раҳбариятга ёқмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, ҳафтанинг иккинчи ярмида хатоларингизни гап тегмайдиган қилиб тўғрилашга эришасиз.

**ЎҚОТАР.** Ҳафта аввалида ўзингиз хоҳламаган ишни бажаришга мажбур бўласиз. Пайшанбадан бошлаб эса, тадбиркорлик билан шуғулланадиган "ўқотар"ларнинг омади чопиши кутилмоқда. Шанба куни тўсатдан хизмат сафарига жўнашингиз мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Дўст-биродарларингиз ёрдамида бошлаган бизнесингиз айнан мазкур ҳафтада авжига чиқиши кутилмоқда. Кўзланган мақсадингизга етишган бўлсангиз-да, бир жойда тўхтаб қолманг. Аксинча, янги марраларни кўзлашга ҳаракат қилинг.

**ҚОВҒА.** Ҳафтани яхши кайфиятда бошлайсиз. Шу кунларда оилангизга қўшилган янги меҳмон хонадонингизга фақат яхшилик олиб келиши кутилмоқда. Дала ҳовлингиздаги йиғилиб қолган ишларни тезроқ бажаришга ҳаракат қилинг.

**БАЛИҚ.** Ҳар кимга ҳам ишонаверманг. Акс ҳолда ўз исмини ҳам сотишга тайёр бўлган баъзи бир қаллоблар сизни чув тушириб кетишлари мумкин. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз, дўстларингиз даврасида ўтказинг.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Ёш футболчиларимиз муваффақияти

2 май куни Қозоғистонда 1989 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича "Алмати кубоги" халқаро турнирига якун ясалди.

Ўзбекистон Футбол федерациясининг ахборот-таҳлил бўлимидан тарқатилган хабарга кўра, мусобақада иштирок этган саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда бош совсрин учун кураш олиб борди.

Жумладан, "А" гуруҳидан Россиянинг ЦСКА, "Ростов", Қозоғистоннинг "Цесна" ҳамда Қирғизистон терма жамоаси ўрин олган бўлса, "В" гуруҳида жойлашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Россиянинг "Локомотив" (Москва), "Краснодар-2000" ҳамда Алмати шаҳрининг 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаларига қарши тўп сурди.

"Локомотив"га қарши ўйинда ғалаба (1:0), қолган икки рақиб билан бир хил ҳисобдаги (1:1) durangga эришган юртдошларимиз ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллашди. Ушбу натижа эса уларга финал босқичининг учинчи ўрин учун ўтказиладиган ўйинида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Бронза медаллар учун олиб борилган баҳсда Аҳмад Убайдуллаев мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси "Цесна"ни 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, икки минг АҚШ доллари билан тақдирланди. Олтин медалларни қўлга киритган ЦСКА футболчилари ва кумуш медаллар соҳиблари — краснодарликлар тегишли равишда беш минг ва уч минг доллар билан мукофотланишди.

ФУТБОЛ

Мазкур мусобақада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган жамоалардан бири — "Машъал" (Муборак) гуруҳ аутсайдери бўлмиш Ироқнинг "Ал Минаа" клубини қабул қилиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

# «Машъал» гуруҳдан чиқа олмади

## Кеча футбол бўйича Осиё Чемпионлар лигасининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди

Эслатиб ўтиш жоиз: "Ал Минаа" Қувайтда ўтказилган биринчи учрашувда "Машъал"дан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраганди.



Ана шуни ҳисобга олиб, мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, Қаршидаги "Насаф" марказий стадионида мезбонлар тўлиқ устунликка эришишлари керак эди. Бироқ Саудия Арабистонининг "Ал Ҳилол" жамоасига қарши бўлиб ўтган 4-тур ўйинида (ушбу учрашувда "Машъал" 2:1 ҳисобида зафар қучган) содир этилган қоидабузарликлар учун мубораккликларнинг ҳакам томонидан жазоланган Камолиддин Кенжаев, Жаҳонгир Жиянмуродов, Анатолий Остап каби етакчи футболчилари дисквалификация қилиниши "газчи"лар мураббийи Виктор Жалиловга қимматга тушди. Сабаби — ўйин давомида ниҳоятда ҳужумкор ўйин намойиш этган мубораккликларга ана шу ҳужумларни ниҳоясига етказадиган ва рақибларнинг тезкор қарши ҳужумларини бартараф этадиган футболчилар етишмади. Шу тариқа Павел Бутенко қўриқлаётган дарвоза томон саноқли "рейд"ларни уюштирган ироқликлар Сажжад Абдулказим ҳамда Мохлас Абдулсаттор ташаббуси билан икки марта ҳисобда олдинга чиқиб олишга эришишди. Мубораккликлар — Жасур Ҳасанов ҳамда Шуҳрат Мирхолдиршоев томонидан киритилган иккита тўп эса мезбонларга ғалаба келтирмади. Натижада "Машъал" клуби Чемпионлар лигасидаги дебютини гуруҳ баҳсларидаёқ якунлашга мажбур бўлди.

ДИҚҚАТ: ҚУЛАЙЛИК

ASR EKSPRESS MEDIA
нашрлик уйи
кечаю кундуз
ишлайди!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81. 332-45-01




РЕКЛАМА













TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

**КЕНГАШ РАИСИ**
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

**КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ**
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

**ТАҲРИРИЯТ**
Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

**МАТН ТЕРУВЧИЛАР**
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

**БЎЛИМЛАР**
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
**М. АБДУРАҲМОНОВ**
**Ш. РАҲИМОВ.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Буюртма рақами: Г-766**
**Тираж: 16824**

PR - тижорат белгиси

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

**БОШ МУҲАРРИР**
**Миродил АБДУРАҲМОНОВ**

XXI ASR ©

**БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ**

ASR EKSPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com